

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШИ**

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »
факультет декани _____
и.ф.н. Х.Х.КОМОЛОВ
« ____ » _____ 2013ил

« Химояга рухсат этаман »
кафедра мудири _____
Доц. О.А.ШЕРМАТОВ
« ____ » _____ 2013 йил

***Фермер хўжалигини бошқариш таълим йўналишининг
битирувчиси
Алиев Азизбекнинг***

БИТИРУВ МАЛАКАВЎЛИ ИШИ

***Мавзу: Хўжаобод туманидаги “Саховат” фермер
хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш масалалари.***

БМИ рахбари: _____

асс: М.Қобулова

Маслаҳатчи: _____

доцент. О.Шерматов

Бажарувчи: _____

А. Алиев

Андижон - 2013йил

ЎЗБЕКИСТОН КИШЛОК ВА СУВ ХУЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН КИШЛОК ХУЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва
бошқарув кафедрасининг мудир
Б.З.НОСИРОВ _____
« 7 » декабр 2012 й.

**Фермер хўжалигини бошқариш таълим йўналишининг битирувчиси
Алиев Азизбекка битирув малакавий ишини бажариш учун**

ТОПШИРИҚ

- 1. Битирув малакавий ишининг мавзуси:** институт ректорининг 2012 йил 26 сентябрдаги № 207-Ст(А)- сонли буйруғи билан тасдиқланган.
- 2. БМИнинг мавзуси:** Хўжаобод туманидаги “Саховат” фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш масалалари.
- 3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти** « 27 » май 2013 йил.
- 4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** БМИ кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.
- 5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** Ўзбекистон Республикасининг қишлоқда иқтисодий ислохотларни ўтказишига оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мавзуга оид адабиётлар, ҳамда Хўжаобод туманидаги “Саховат” фермер хўжалигини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, 2010-2012 йиллар учун бизнес режалари, йиллик хисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.
- 6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишига ёрдам берадиган 12 та жадвалларни тузилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 3-4 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

Битирув малакавий ишининг асосий саволлари	БМИни рахбари	Бажарилиш муддати	Имзо
<i>Кириш.</i>	<i>Асс.М.Қобулова</i>	<i>10.12.2012</i>	
<i>1.Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини оширишда бошқаришни такомиллаштиришнинг туганган ўрни ва аҳамияти.</i>	<i>Асс.М.Қобулова</i>	<i>25.12.2012</i>	
<i>2.Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва назарий асослари.</i>	<i>Асс.М.Қобулова</i>	<i>18.01.2013</i>	
<i>3.Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигини жойлашган ўрни, ихтисослашуви ва табиий -иқлим шароити.</i>	<i>Асс.М.Қобулова</i>	<i>12.02.2013</i>	
<i>4.Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида пахтачилик агротехнологиясини ташкил этиш ва бошқариш.</i>		<i>09.03.2013</i>	
<i>5.Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш асосида эришилган</i>	<i>Асс.М.Қобулова</i>	<i>07.04.2013</i>	
<i>6.Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш масалалари.</i>	<i>Асс.М.Қобулова</i>	<i>04.05.2013</i>	
<i>Хулоса ва таклифлар</i>	<i>Асс.М.Қобулова</i>	<i>15.05.2013</i>	
<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</i>	<i>Асс.М.Қобулова</i>	<i>26.05.2013</i>	

Топширик берилган вақти:

« 7 » декабрь 2012 йил.

БМИ рахбари:

асс: .М.Қобулова.

Маслаҳатчи:

доц. О.Шерматов

Битирувчи:

А.Алиев.

Мундарижа

<i>№</i>	<i>Мазмуни</i>	<i>Бетлар</i>
	<i>Кириш</i>	<i>3-6</i>
<i>1</i>	<i>Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини оширишда бошқаришни такомиллаштиришнинг тўтган ўрни ва аҳамияти.</i>	<i>7-19</i>
<i>2</i>	<i>Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва назарий асослари.</i>	<i>20-30</i>
<i>3</i>	<i>Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигини жойлашган ўрни, ихтисослашуви ва табиий -иқлим шароити.</i>	<i>31-38</i>
<i>4</i>	<i>Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида пахтачилик агротехнологиясини ташкил этиш ва бошқариш.</i>	<i>39-48</i>
<i>5</i>	<i>Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш асосида эришилган иқтисодий самарадорлик.</i>	<i>49-64</i>
<i>6</i>	<i>Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш масалалари.</i>	<i>65-68</i>
	<i>Хулоа ва таклифлар.</i>	<i>69-71</i>
	<i>Фойдаланилган адабиётлар.</i>	<i>72-76</i>

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида бугунги кунда фермер хўжаликларини ўрни ва аҳамияти ҳақида Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимизни 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастўрни энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақи равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Кун сайин мустаҳкамланиб, ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракати Ўзбекистонда ўзини тўла оқлади ва бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас” деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг, айниқса, пахта хом-ашёси ва бошоқли донлар ялпи ҳосилидаги улуши кескин ортиб бормоқда. Уларни пахта хом-ашёси ва бошоқли донлар ялпи ҳосилидаги ҳиссаси охириги ўн йил мобайнида мос ҳолда 18,3 дан 98,4 фоизга ва 14,5 дан 81,6 фоизга кўтарилди. Фермер хўжаликларининг сони эса 2008 йилдан бошлаб ўтказилаётган оптималлаштириш жараёнида мунтазам қисқариб бормоқда.

Фермер хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва иқтисодий самардорлигини мунтазам ошириш мақсадида 2012 йил 22 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4478 фармони қабул қилинди. Мазкур фармон асосида жойларда фаолият кўрсатган “Фермерлар уюшмаси” ўрнида амалдаги фермер хўжаликларини ташкилий –бошқарув тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган янги тузилма “Фермерлар Кенгаши” ташкил этилди. Мазкур масалада Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимизни 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастўрни энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги

маърузасида “...тан олиш керакки, фермерлик ҳаракатининг Фермер хўжаликлари уюшмаси шаклидаги ташкилий тузилмаси фермерлар олдида турган вазифаларни ҳал этиш жараёнларига кучли таъсир кўрсата олмади” деб таъкидлаб ўтдилар. Фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг юқорида келтирилган ҳуқуқий ҳужжати асосида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган амалдаги фермерлар ҳаётида янги иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даври бошланди десак, муболаға бўлмайди.

Фермер хўжалигида бошқаришни ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб 30.04.1998 йилда қабул қилиниб 2004 йил 26 августда қайта нашр қилинган фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун бўлиб ҳисобланади. Фермер хўжалиги фаолиятини тартибга солинишида муҳим рол ўйнайдиган бир қатор бошқа қонунлар ҳам мавжуд. Улар жумласига давлат Ер кодекси, Ер кадастри, Шартнома тўғрисидаги ва шу каби бошқа бир қатор қишлоқ хўжалигига оид бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар киради.

Ўзбекистонда охириги йилларда бу масалага алоҳида эътибор берилиб фермер хўжаликларини ташкил этиш, ривожлантириш ва самарали бошқарилиши учун зарур бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мунтазам такомиллаштириб борилмоқда.

Президентимиз «Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур» эканлигини алоҳида таъкидлайди. (И.А.Каримов “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” Халқ сўзи 20 январ 2012 йил).

Президентимиз мамлакатимиз корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш негизида миллий иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик тизимидаги ўрнини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширмасдан, рақобатбардош иқтисодиёт, пировард натижада эса рақобатбардош мамлакатни

барпо этмасдан туриб, ўрта муддатли истиқболда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишдек стратегик вазифани амалга ошириш мумкин эмаслиги юртбошимиз томонидан таъкидлаб ўтилди.

Бугунги кунда Президентимиз ва Республика ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигида асосий хўжалик юритиш шакли ҳисобланган фермер хўжаликларини янада ривожлантиришга устивор вазифа деб қаралиб, уларни давлат томонидан қўллаб қувватлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Сабаби, фермер хўжаликлари қишлоқда хўжалик юритишнинг энг қулай ва самарали шакли эканлиги ривожланган аграр-индустриал мамлакатларнинг тарихий тажрибаларида ҳам тўла исботланган. Шунингдек, фермер хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва иқтисодий самардорлигини мунтазам ошириш мақсадида 2012 йил 22 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4478 фармони қабул қилинди. Айни пайтда биз қишлоқ хўжалиги соҳасида биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўриш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш билан боғлиқ, ҳали-бери ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини ҳам эътироф этишимиз зарур.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини ошириш бўйича ҳам бир қатор ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Жумладан, Президентимиз тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан аграр тармоқни ривожлантиришнинг махсус истиқболли дастури ишлаб чиқилди. Дастурда қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттириш асосида аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор

топтириш ҳамда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

БМИ мақсади ва вазифалари. БМИнинг асосий мақсади Хўжаобот туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазаларни ишлаб чиқишдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун битирув ишида қуйидаги вазифалар бажарилди.

1. Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш ва уларни иқтисодий самарадорлигини оширишда бошқаришни мунтазам такомиллаштириб боришнинг зарурлигини асослаш.
2. Хўжаобот туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва асослаш.
3. Хўжаобот туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш асосида уни иқтисодий самарадорлигини оширишнинг омиллари аниқланиб асосланди.
4. Хўжаобот туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ишлаб чиқилди.

БМИнинг амалий аҳамияти. Битирув ишида бошқаришни такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича тайёрланган фикр-мулоҳазаларда ва таклифлардан Хўжаобот туманидаги Саховат фермер хўжалигида ва у жойлашган ҳудуддаги бошқа хўжаликларда фойдаланиш мумкин.

БМИнинг таркиби. БМИ кириш, 6 саволдан иборат асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув иши электрон вариантда тайёрланиб уни ҳажми 69 бетни ташкил этади. Унда 11 та жадваллардан фойдаланилди.

1. Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини оширишда бошқаришни такомиллаштиришнинг тутган ўрни ва аҳамияти.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оптимал даражага кутарилиши куп жихатдан бошқаришни бозор талабларига мослашишига ва мунтазам такомиллаштирилиб боришига боғлиқдир. Бу айникса hozirги кунда яъни жахон молиявий иқтисодий инкирози тула бартараф этилмаган ва рақобатбардошлик масалалари кескин турган бир шароитда ута муҳимдир.

Инкирозга қарши чоралар дастурида Ўзбекистон иқтисодиётини жумладан, уни таркибий қисми ҳисобланган қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланган. Дастурда корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб улар ўз мазмуни ва моҳиятига кўра тўлалигича махсулот рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Сабаби махсулот рақобатбардошлиги жахон инкирози шароитида иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва самарадорликни оширишнинг ҳал қилувчи омилига айланди. Бу фермер хўжалиги олдига иқтисодий самарадорликни оптимал даражага кўтариш бўйича янги вазифаларни қўймоқда. Президентимиз ушбу масалага тўхталиб қуйидагиларни таъкидлайди “...ўтган давр мобайнида ортирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қабтий талаб этмоқда.”(И.Каримов Жахон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т. Ўзбекистон – 2009 йил, 23 бет.)

Самарадорликнинг ортишини эса оқилона ва тўғри ташкил этилган бошқарувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кундалик ҳаётимизда менежмент ва маркетинг сўзлари жуда кўп қўлланилади. Дастлаб «Менежмент ва

маркетинг» фан сифатида АҚШда пайдо бўлган. **Менежмент** – бу инглизча сўз бўлиб, инглиз тилининг Оксфорд луғатида берилган таърифга биноан у:

- бошқарув ҳокимияти ва санъати;
- ресурсларни бошқариш бўйича алоҳида моҳирлик ва маъмурий кўникмалар тушунилади.

Бошқача сўз билан айтганда, Менежмент – бу бошқарув, яъни ресурсларни, одамларни бошқариш, самарали фаолият олиб бориш ва фойда олишни билиш, уни кўпайтириш жараёнидир. Шу нуқтаи назардан **бошқарув** – бу ўзига хос юксак санъат ва маҳоратни талаб қилувчи танлов, шу танлов асосида қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилишдир.

Бошқарув усуллари — бу ходимларга ва умуман ишлаб чиқариш жамоаларига таъсир кўрсатиш усуллари бўлиб, бу усуллар қўйилган мақсадларга эришиш жараёнида мазкур ходимлар ва жамоаларнинг фаолиятини уйғунлаштиришни назарда тутди. Бошқариш усуллари ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнидаги мавжуд муносабатлардан объектив тарзда келиб чиқади.

Бошқаришнинг қуйидаги усуллар гуруҳи мавжуд:

1. Ташкилий-маъмурий усуллар
2. Иқтисодий усуллар
3. Ижтимоий-руҳий усуллар

Ташкилий-маъмурий усуллар бошқаришнинг усуллари тизимида алоҳида ўрин тутди. Бу усулларга;

- бошқариш аппаратининг муайян структурасини тузиш
- ҳар бир бошқарув бўғинининг функцияларини белгилаш
- кадрларни тўғри танлаш
- буйруқлар, фармойишлар ва қўлланмалар чиқариш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- топшириқлар ва директив кўрсатмаларни бажармаётган бўлинма ва шахсларга нисбатан мажбурий чораларни қўллаш киради.

Ташкилий-маъмурий усуллар юқори органлар ҳокимиятига ва қуйи органларнинг бўйсунishiга асосланади. Шунинг учун уларни кўпинча маъмурий усуллар деб юритилади. Юқори маъмурий органлар бошқарилувчи объектнинг бажариши мажбурий бўлган тартиб-қоидаларни ишлаб чиқади, шунингдек бўйсунувчи органларга фармойишлар беради.

Ташкилий-маъмурий усуллар бошқарув органларининг ўзаро алоқада ишлашини, бошқарув муносабатларини акс эттириб, бошқарилувчи объектларга маъмурий таъсир кўрсатишнинг бутун механизмини ифодалайди.

Маъмурий усуллардан:

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- ҳавфли технологиялардан фойдаланиш, зарарли ишлаб чиқариш чиқитларини чиқариб ташлашни таъқиқлаш;
- одамлар соғлигига зарарли маҳсулотни реклама қилишни таъқиқлаш каби соҳаларда фаол фойдаланилади.

Бошқаришнинг ташкилий-маъмурий усуллари икки шаклда:

- ташкилий таъсир кўрсатиш усуллари;
- фармойиш бериш усуллари шаклларида намоён бўлади.

Ташкилий усулларнинг бу иккала шакли биргаликда қўлланилади, бири-бирини тўлдиради ва ривожлантиради. Ҳар иккала шаклнинг уйғунлашуви ишлаб чиқариш шароитларини ҳисобга олинган ҳолда оптимал бўлиши керак.

Бошқаришнинг иқтисодий усуллари иқтисодий манфаатлардан фойдаланишга асосланади.

Иқтисодий бошқарув усулларининг асосий вазифаси ишлаб чиқариладиган маҳсулот (хизмат) бирлигига сарфланадиган харажатни камайтиришга имкон берувчи хўжалик механизмларининг янги усулларини, шунингдек, манфаатдорлик муҳитини вужудга келтириш ва улардан самарали фойдаланишдир. Бу усулда кишиларнинг шахсий ва гуруҳ

манфаатларини юзага чиқариш орқали уларнинг самарали ишлаши таъминланади. Бу мақсадда қўшимча иш ҳақи тўлаш, мукофотлар бериш, бир йўла катта пул билан тақдирлаш кабилар муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий методлар бошқаришнинг барча методлари ичида етакчи ўринни эгаллайди. Ҳар қандай даражадаги раҳбар бу усулнинг мазмунини яхши билиши ва уларни тўғри қўллай олиши керак.

Бошқаришнинг иқтисодий усуллари жумласига:

- кредит ва фоиз ставкаси;
- солиқ ва солиқ юки;
- бож тўловлари;
- субсидия ва санация;
- лицензия;
- трансферт тўловлари;
- нарх-наво ва ҳоказолар киради.

Кредитнинг иқтисодий ўсишига алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда давлат уни арзонлаштириш чораларини кўради. Давлатнинг қўлида катта пул тўпланади, бу пул банкка қўйилади ва ишлатилишига қадар кредит ресурсини ташкил этади. Давлатнинг пули капитал бозорига чиқиб кредитнинг таклифини кўпайтиради. Шу тариқа давлат бўш турган пул таркибини ўзгартириш орқали бозордаги пулга бўлган талаб ва таклифни ўзгартиришга эришади. Бўш пуллар:

- ҳозир қарз бериш учун ажратилган;
- захирадаги кредит резерви сифатида турган пулларга бўлинади.

Давлат солиқ тизими орқали иқтисодиётга таъсир ўтказади ва бошқариш жараёнида қатнашади. Солиқлар ҳамма мамлакатларда мавжуд бўлиб, мажбурий тўлов шаклида фирмалар, ташкилотлар ва аҳоли томонидан фақат давлатга тўланади.

Ундириладиган солиқ қийматининг солиққ объект қиймати (ҳажми) га нисбатан ҳисобланган миқдори солиқ юки (ставкаси) дейилади. Қатъий, прогрессив, регрессив, пропорционал (мутаносиб) солиқ ставкалари мавжуд.

Ундириладиган солиқ ставкасининг меъёри бор. Шу сабабли уни чексиз ошириб бўлмайди.

Қайд қилинган ишлар серхаражат бўлганидан субсидия харажатларни бутунлай ёки қисман қоплаш учун берилади. Субсидия давлатнинг молиявий ёрдами бўлиб, бюджетга қайтариб берилмайди.

Давлат томонидан иқтисодиётни бошқаришнинг, тартиблашнинг яна бир муҳим воситаси - бу молиявий санациядир.

Санация – иқтисодиёт учун аҳамияти катта корхоналарни танг ҳолатидан чиқариб, уларнинг меъёрида ишлаб туришини таъминлаш ҳамда корхоналарни оммавий банкрот бўлишига йўл бермасдан, рақобатчи корхоналар сонини керакли меъёрда сақлаб туриш мақсадида амалга оширилади.

Ижтимоий-руҳий усулларнинг асосий мақсади жамоаларда соғлом ижтимоий-руҳий муҳитни яратишдир. Бу усул ижтимоий-маънавий вазиятга таъсир этиш йўли билан кишиларнинг феъл-атвори, руҳиятини ҳисобга олиб уларнинг ижтимоий (социал) талабларини қондириш орқали бошқаришни билдиради.

Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий-руҳий усуллар бу ишлаб чиқариш жамоаларини, улардаги "психологик вазиятни", ҳар бир ходимнинг шахсий хусусиятларини ўрганишга асосланган усуллардир.

Ўз моҳиятига кўра бошқариш усулларининг бу гуруҳи жамоанинг шаклланиш ва юксалиш жараёнига, кишиларнинг онгига, маънавий манфаатларига жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда таъсир қилувчи воситаларнинг мажмуидир.

Ижтимоий-руҳий усуллар "Бошқариш социология"си ва "Бошқариш психологияси"га асосланади.

Бошқариш социологияси инсоннинг ишлаб чиқариш омиллари билан ўзаро алоқаси, жамоанинг социал ривожланишини режалаштириш, меҳнат жамоасини таркиб топтириш, ходимларнинг ташаббуси ва ижодий фаоллигини ошириш каби муҳим муаммоларни кўриб чиқади.

Бошқариш психологияси кишиларнинг бошқариш фаолиятлари хусусиятларини ва натижаларни аниқлашга хизмат қиладиган ҳодисаларни ўрганади. У кадрларни танлашда, уларни жой-жойига қўйишда, топшириқларни, функцияларни тақсимлашда, ходимларни рағбатлантиришда, интизомни мустаҳкамлашда ва ҳоказоларда қўлланилади.

Психология инсоннинг руҳиятини ўрганувчи фандир. Инсон руҳиятига эса сезиш, идрок қилиш, тасаввур, тафаккур, таассуф жараёнлари, хотира, диккат, эътибор, ирода, шунингдек инсон шахсининг руҳий хусусиятлари, чунончи, қизиқиш, қобилият, характер ва мижоз киради.

Ижтимоий психология — бу кишилар ва жамоа фаолияти психологик ва социал омилларнинг ўзаро алоқаси қонунларини, турли ижтимоий гуруҳлар хусусиятларини, жамоа мулоқоти ва ўзаро таъсир кўрсатиш шаклларини ўрганадиган психология фанининг соҳасидир.

Қайд қилинган ижтимоий тадқиқотларнинг ҳам ижобий жиҳатлари, ҳам камчиликлари бор. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, у ёки бу усулни воқеъликни реал акс эттириши ва кўпроқ самара беришига қараб танлаш лозим. Таҷрибалар эса бу усулларни маълум даражада бирга қўшиб қўлланиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади.

Меҳнат жамоаларидаги социал-руҳий вазият юзага келган низолар сони билан белгиланади.

Низо — бу раҳбар, ишчи ва бошқа ходимлар орасида муайян масалаларни ҳал қилишда томонларнинг бир-бири билан бир ечимга кела олмаганлигини билдиради.

Жамоа аъзолари орасидаги низолар, асосан ишлаб чиқаришнинг қониқарсиз ташкил қилинганлиги, жамоа аъзоларининг руҳий ҳолатлари ҳисобга олинмаганлиги, зарур иш шароитининг яратилмаганлиги ва бошқа сабаблар натижасида вужудга келади.

Фермер хўжалигининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан уни бошқариш усуллари боғлиқдир. Рақобатбардошлик охир-оқибатда икки асосий омил яъни маҳсулотни таннархи ва сифати асосида аниқланади.

Юқоридаги муаммоларни хал этиш бўйича илмий жихатдан асосланган ва амалий аҳамиятга молик бўлган фикр мулохазалар, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтилганда ҳар қандай тизимни бошқариш деганда қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган ушбу тизимга хос объектив қонунлар ва фаолиятни муайян ҳолатда саклаб туриш ва янги ҳолатга утқизиш бўйича унга таъсир этиш жараёни тушунилади.

Бошқаришнинг энг асосий мақсади моддий, меҳнат, ер ресурслари ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишни таъмин этиш мақсадида ишлаб чиқариш жамоалари фаолиятини мувофиқлаштириб туришдан иборатдир.

Бошқарув ижтимоий ишлаб чиқаришнинг объектив функцияси бўлиб, фермер хўжалиги жамоасига ишлаб чиқариш жараёнида фаолиятни яхшироқ ташкил этиш ва мувофиқлаштириб олиб бориш манфаатлари йулида ихтиёридаги ресурслардан самарали фойдаланиш ва хужаликнинг ривожланиш стратегиясида белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришдек, аниқ мақсадни қўлаб таъсир утқизишни таъминлайди.

Фермер хўжалигини бошқариш стратегияси деганда хужалик фаолиятини узок, муддатли, истиқболли ташкил этиш ва бошқариш тушунилади.

Хужаликни бошқаришнинг асосий вазифаларидан бири уни режалаштиришдир. Фермер хўжалиги фаолиятида узок муддатли (стратегик) ва қисқа муддатли (тактик) режалаштириш шаклларида фойдаланилади. Масалан, фермер қандай турдаги маҳсулотларни ва қанча ҳажмда етиштиришни белгилаб олиши учун стратегик қарор, режа амалга оширилади ва вақтда эса, тактик қарорлар қабул қилади.

Ушбу бўлимда фермернинг фаолияти билан қизиқувчилар учун қандай маҳсулот ишлаб чиқариш орқали даромад олмақчи эканлиги, маҳсулот турлари, хизматлар қўлатиш ёки ишлаб чиқариш қўлда тутиладиган маҳсулотлар тўғрисида батафсил ахборот берилади.

Фермер ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг истеъмолчилари кимлар, хўжаликнинг аввалги йиллардаги молиявий аҳволи қандай ҳолатда бўлгани, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириши, сув билан қандай даражада таъминлангани, агар лалми ерларда деҳқончилик қилинса, ишлаб чиқариш натижалари табиий омилларга боғлиқлиги (ёгингарчилик микдорига) қай масалалар ёритилиши лозим.

Агар фермер хўжалиги янгитдан тузилаётган бўлса, фермер бошлаган иш нима учун даромад келтириши асослаб берилиши керак. Шунингдек, фермер бў'соҳадақачондан бўён ишлаётганлиги, қорвачилик ва деҳқончиликда ишлаб чиқаришни юритиш борасидаги тажрибалари батафсил ёритилиши мақсадга мувофиқ.

Фермер хўжаликлари ўз фаолиятини ташкил этишда қуйидагиларга эътибор беришлари керак. Бугунги кунда фермер хўжаликлари томонидан барча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, шу жумладан, пахта қом-ашёси ва қалла. Бунда асосий эътибор фермер бозорга чиқарадиган, яъни сотадиган маҳсулотга қаратилиши лозим. Қаридор нима учун айнан сизнинг маҳсулотингизни сотиб олиши лозим, чунки бошқа фермерлар ҳам худди шундай маҳсулот ишлаб чиқаради. Уларнинг маҳсулотларидан сизнинг маҳсулотингиз нимаси билан фарқ қилади ёки ажралиб туради? Бизнес-режа тузишда худди шу жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим.

Бозорни урганиш. Фермер хўжаликлари фаолиятида энг қўп дўқ қелинадиган масала бозорни ўрганиб, унинг ҳолатига тавсиф бериш, бозордаги ўз имқониятларини баҳолай билиш масаласидир. Фермер хўжалигида режалаштирилаётган экинлар тарқиб хўжалик имқониятларига мос қеладими ёки йўқми, агар мос қелмаса, қандай қилиб мувофиқлаштириш мўмкин, рақобатбардош қорхоналар уртасида бозордаги эгалланган уринларни, маҳсулотлар сотишни, рақобатчилар маҳсулотларини таҳлил этиш, қиска муддатли башоратлар қилиш, баҳо қиёсатини асослаш ва амалга ошириш қай масалалар бизнес-режанинг ушбу қисмида ўз ақсини топиши лозим.

Фермер хўжалигининг жойлашган ўрни ва ракобатчилар.

Фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларига ва транспорт коммуникацияларига яқин жойлашганлиги уларга табиий равишда катта устунлик ва қулайликлар тугдиради. Бошқа соҳалардан фарқли уларок, фермер хўжаликларини бозорларга қулай вазиятларга жойлаштиришни режалаштириш имкониятлари умуман чегараланган.

Шу жихатдан ҳам фермер хўжаликларида маҳсулотлар етиштириш бўйича бизнес-режа тузишда бозорларнинг узок-яқинлиги, транспорт коммуникацияларининг қулайлиги ҳисобга олинган ҳолда режалаштирилади. Яъни, бозорлардан узок ва ноқулай транспорт вазиятлари мавжуд жойларда тез бузилмайдиган, ташишга чидамли маҳсулотлар етиштиришни режалаштирган маъкул. Бунда фермер хўжалиги бозорларга ва транспорт магистралларига нисбатан жойлашувининг тегишли маҳсулотни етиштириш харажатлари миқдори узгаришига таъсири ҳисоб-китоб қилиниши лозим.

Фермер хўжаликларининг ракобатчилари сифатида бир хил турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва ягона бозор орқали, яъни истеъмолчилар орқали бир-бирига боғлиқ бўлган фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари майдонга чиқади

Қишлоқ хўжалигида бугунги кундаги ракобат кураши асосан нарх омили орқали (истеъмол бозори) амалга ошмоқда. Бундай шароитда энг қулай йўл ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш эвазига фойда миқдорини қупайтиришдир, чунки баҳо фермерга боғлиқ эмас, балки у ёки бу жихатдан бозордаги талаб ва таклифга боғлиқ равишда узгариб туради.

Бошқарув ва кадрлар масаласи. Амалиётнинг кўрсатишича, тадбиркорлик билан шугулланувчи корхоналарнинг тижорат омадсизлигининг асосини (95 фоизини), корхонани бошқариш борасидаги уқувсизлик ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида эса, фермер хўжалигининг муваффақиятлари қуп қисми табиий омилларга (сув билан таъминланганлик, ёгингарчилик миқдори, самарали харорат, тупроқ таркиби, унумдорлиги, табиий офатлар ва бошқа шу қабиларга) боғлиқдир.

Фермер хужаликлари мустакил юридик шахс макомига эга булган тадбиркор сифатида энг кам харажатлар хисобига бозоргир, сифатли қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириб, даромади микдорини оширишни асосий вазифа даражасига кутаришлари лозим. Харажатларни камайтиришнинг бирдан-бир тугри йули етиштирилаётган махсулот бирлиги, экин майдонлари хисобига сарфланаётган меҳнат ва моддий-техник ресурслар микдорини камайтиришни илмий йулга қуйиш хисобланади.

Бугунги кунгача қишлоқ хўжалиги корхоналарида Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институти томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 7 апрелдаги 11/48-81-сонли баённомаси билан маъқуллаган "Қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштиришга талаб этиладиган меҳнат ва моддий ресурслар меъёрлари" ҳамда 2009 йилда ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash ва махсулотлар етиштириш бўйича технологик карталар" Кўрсаткичлардан бизнес-режалар ишлаб чиқишда асосий меъёрий ҳужжат сифатида фойдаланилмокда.

Фермер хужаликлари томонидан ишлаб чиқилладиган бизнес-режалар тегишли меъёрларга асосланиши лозим. Жумладан дон ва пахта учун қуйидаги меъёрлар белгиланган.

Дон учун ҳосилдорлик 42 центнерга тенг бўлганда меҳнат сарфи 134-киши/соатини, уруғлик 220 кг, ёқилғи 164 кгни ва ўғитлар жами соф ҳолда 420 кгни ташкил этади. Шу жумладан азотли ўғитлар 210 кгни, фосфорли ўғитлар 147 кгни ва калийли ўғитлар 60 кгни ташкил этади.

Пахта учун ҳосилдорлик 27 центнерга тенг бўлганда меҳнат сарфи 964-киши/соатини, уруғлик 45 кг, ёқилғи 330 кгни ва ўғитлар жами соф ҳолда 485 кгни ташкил этади. Шу жумладан азотли ўғитлар 110 кгни, фосфорли ўғитлар 75 кгни ва калийли ўғитлар 55 кгни ташкил этади.

Аммо, ҳосилдорликнинг узғаришига мутаносиб равишда барча харажатлар турлари узғариб боради деб тушунмаслик керак, чунки

хосилдорликнинг узгаришига угитлар, меҳнат сарфи, ёкилги миқдори таъсир этса, бир гектарга сарфланадиган уруглик миқдори таъсир этмаслиги мумкин.

Ғалла етиштиришда келтирилган маълумотлар суғориладиган майдонлар учун ҳисобланиб, лалми ерларда ғалла етиштирувчи фермерлар учун уруг сарфи икки баробарга камайтиради, аммо ёкилги сарфида узгариш бўлмаслиги ёки кам фоизни ташкил қилиши мумкин Шунинг учун ҳам фермер хужаликлари бизнес-режаларини тузиш пайтида меҳнат ва моддий харажатлар меъёрларидаги узгаришларни ҳосилдорлик узгаришларига қараб тўғри ва малакали табакалаштириш масаласига эътибор беришлари лозим.

Шунингдек, республикамизнинг турли ҳудудлари бўйича тупрок тузилиши ва кимёвий таркиби турли-туманлиги боис, минерал угитлар сарфини режалаштиришга ҳам табакали ёндашиш лозим. Бунда умумий ҳолда келтирилган уртача меъёрлардан фойдаланиш тавсия этилади. Аммо бу ерда таъкидлаш лозимки, турли тупроқлар кимёвий таркибининг турличалиги боисдан минерал угитларнинг миқдори бир қадар узгариши ҳам мумкин. Бу тупроқдаги азот, фосфор каби моддаларнинг миқдорига боглик ҳолда узгариши билан биргаликда, бугунги кунда минерал угитларнинг баҳолари тез ушиб бориши, фермердан нисбатан арзонроқ бўлган тупроқни озиклантириш йулларини қидиришни тақозо қилади. Хусусан, маҳаллий угитлар, турли чиқиндилар, сидератлар, бентонит лойкалари қабила шулар жумласидандир.

Бошқа харажат турлари бўйича ҳам фермер хужаликлари жойлашган ҳудудларининг узига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Таъкидлаш лозимки, фермер хужаликлари учун маҳсулотларни етиштириш ва экинларни парваришлаш бўйича ишлаб чиқилган харажатлар меъёрларига мажбурий директив ҳужжат сифатида эмас, балки тавсия, йуналиш берувчи илмий асосланган ҳужжат сифатида қараш лозим. Чунки,

фермер моддий ва меҳнат харажатларини меъёридан орттириб, маҳсулот таннаrxини ошириб юбориши аввало унинг уз "чунтаги" учун зарар хисобланади. Фермер бир гектар экин майдонига 45-60 кг. эмас, 100 кг. чигит сарфлаб пахта етиштиришига ҳеч ким қарши эмас. Фермерни биринчи навбатда бозор конъюнктураси жазолайди, чунки ортиқча харажатлар фермерга зарар келтиради.

Фермер хўжаликлари даромадларининг қупайиши маҳсулот сифати юқори бўлиши билан бирга таннаrxини камайтириб боришини тақозо этади.

Шу жиҳатдан ишлаб чиқарилган технологик карталар:

- маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини республикаимиз минтақалари табиий-иқлими шароитларини ҳисобга олган ҳолда илғор технология ва машиналар тизимидан фойдаланиб, комплекс механизациялаш;

- воситалар ва пул маблағларидан тежиб-терғаб ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

- маҳсулот ишлаб чиқаришда меҳнат ва моддий ресурсларнинг нисбий сарфларини камайтириш;

- ортиқча ва қиммат бўлган асосий воситалар миқдорини камайтириш (оптималлаштириш) масалаларини ечишга имкон тугдиради.

Фермер хўжалигида бизнес-режалар тузишда технологик карталардан фойдаланиш зарурлиги шу билан белгиланадики, намунавий технологик карталар вариантлар тарзида ишлаб чиқилган бўлиб, уларда қул меҳнати устунлигида маҳсулотлар етиштиришда ҳам, механизация воситаларидан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришда ҳам қулланиладиган агротехник тадбирлар қўзда тутилади.

Қенгаш қабул қилган қарорлар кооперацияга қирган барча фермерлар учун мажбурийдир. Қенгаш қарори қенгаш аъзоларининг ўчдан икки қисми овоз бергандагина қабул қилинган ҳисобланади.

Ижро аппарати. Қенгаш томонидан танлов асосида олинган 4-5 ёлланма мутахассислар ва бош менежердан иборат. Ёлланма мутахассислар шартнома асосида фаолият юритади. Ижро аппарати мутахассисларнинг маоши

фермерлар даромадидан ажратма хисобига туланади. Ажратма маблағ хажми Кенгаш томонидан тасдиқланади. Ажратма маблағ, шунингдек, ижро аппарати офисини жиҳозлаш ва уни саклаб туриш, ахборот маълумотлар учун туловлар, керакли адабиётлар, журнал ва газеталарга обуна булиш, ижро аппарати ходимларининг транспорт, телефон харажатларини коплаш ва консултацияга четдан мутахассис жалб килишга сарфланади.

Сарф-харажатлар сметаси кооперация Кенгаши томонидан тасдиқланади. Ижро аппарати мутахассислари фаолияти фермерларга маъкул тушмаса, кооперация Кенгаши улар билан тузилган шартномани муддатидан олдин бекор килиши мумкин.

Ижро аппаратининг мутахассислари хар бир фермер билан алохида шартнома тузмайдилар, кооператив Кенгаши барча фермерлар номидан ижро аппарати ходимлари билан шартнома тузадилар.

Ижро аппарати мутахассислари ва бош менежер кооператив Кенгашига ва фермерлар Умумий йигилишига хисобот берадилар. Ижро аппарати бош мененжери туман хокимияти ва ташкилотлари билан фермер уртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи ҳамда фермерлар ва сервис хизмати курсатувчи корхоналар билан муносабатларни фермерлар берган ваколат доирасида амалга оширади.Шундай килиб, фермерлар кооперацияси ишлаб чикаришнинг асосий ташкилий ва ҳукукий шакли булиб, содда ва демократик асосга мойил булиб, унда барча кооператив аъзоларини (фермерларни) бошқаришда катнашишини таъминлайди.

2. Хўжабот туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва назарий асослари.

Фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш бошқариш структурасини ва меҳнат жамоаси таркибини тубдан яхшилашни талаб этади. Унда асосий эътиборни ходимларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлашга қаратиш лозим.

Хўжабот туманидаги Саховат фермер хўжалигининг меҳнат жамоаси ҳақидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1- жадвалда Саховат фермер хўжалигининг аъзолари ва шартнома асосида ишлаётган ходимларнинг таркиби тугрисида маълумотлар берилган. Фермер хўжалигида 3 нафар аъзо ва 21 нафар шартнома асосида ишлаётган ходимлар мавжуд бўлиб, ишлаб чиқариш буйича иш тажрибалари талаб даражасида, лекин уларни касбий тайёргарлиги ва маълумоти тугрисида бундай хулосага келиш мумкин эмас. Сабаби фермер хўжалигида фаолият курсатаётганлар орасида биргина хўжалик раҳбари олий маълумотлидир.

Фермер хўжалиги раҳбари Ўринов Адахамжон Хамдамович 1958 йил 26-майда таваллуд топган. 1974 йилда Тошкент Халқ Хўжалик Институтини Иқтисодиёт факултетини тамомлаган. Укишни тамомлаб бир неча йиллар давомида Хўжаобод туманидаги Мадиев ширкат хўжалигида Иқтисодчи ёрдамчиси, сунг Бош иқтисодчи, Раис муовини, туман ижтимоий таъминоти раиси лавозимларида фаолият юритган. 1999 йилдан бошлаб Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалиги бошлиги вазифасини бажариб келмоқда.

Колган ходимларга тўхталадиган бўлсак, аъзоларнинг орасида бир нечтасининг маълумотлари ҳам ўрта махсус бўлиб, уларнинг орасида бири ҳисобчи, яна бири укитуви ва икки нафари ҳамшира мутахассисликлари буйича дипломларга эгадир. Колган аъзолар орасида икки нафари дурадгор уста, уч нафари эса чевардир. Кўриниб турибдики ходимларнинг купчилиги оддий деҳқонлардир. Шунинг учун ҳам хўжаликда ходимларнинг касбий тайёргарлигига ва маълумотига алоҳида эътибор бериш зарур. Бунда ҳар бир

ходимнинг камида 4-6 та бир-бирига якин булган касбий тайёргарликларни эгаллашлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Хўжаликда ишловчилар орасидан 10 нафари аёллар барчаси оилали, 9 нафари эркаклар бўлиб бундан 8 нафари оилали 1 нафари уйланмаган.

Фермер хўжалигида амалдаги меҳнат шартномасига мунтазам амал килиниб, ёлланма ишчи кучларидан самарали фойдаланиб келинмоқда. Фермер хўжалигида меҳнат шартномасини тузиш тартиби амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади ва тартибга солинади.

Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш ва бошқарув жараёнида амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан самарали фойдаланилгани туфайли охириги йилларда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалик соҳасида мунтазам ижобий натижаларга эришиб келинмоқда. Лекин, фермер хўжалигини иқтисодий самарадорлиги ҳали талаб даражасидан анча паст. Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришида оптимал самарадорликка эришиш учун самарадорликни асосий курсаткичи булган рентабелликни ҳужалик буйича камида 35-40 фоизга етказиши зарур. Шундагина ҳужалик кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун зарур булган молиявий имкониятларга эга булади. Бу соҳада фермер хўжалиги бошқаришнинг замонавий усулларида самарали фойдаланиши ва асосий эътиборни иқтисодий усулларига қаратиши лозим.

Ундан ташқари бу соҳада хўжалик ФТТ ютуқларидан фойдаланиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этган ҳолда узининг иқтисодий рентабеллигини оптимал даражага қўтариш чора-тадбирларини қуриши лозим.

Хулоса қилиб айтганда жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликни нафақат оптимал даражага етказиш, балки, уни сифат жиҳатдан яхшилаш чораларини амалга ошириш талаб этилади. Бунда асосий эътиборни ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга ва маҳсулот сифатини яхшилашга қаратиш лозим.

Хўжабот туманидаги Саховат фермер хўжалигини меҳнат жамоаси таркиби тўғрисида маълумот.

1-жадвал

№	Аъзоларнинг исми ва шарфи	Туғилган йили	Маълумоти	Касби	Иш стаж и	Фермер хўжалиги раҳбарига қариндошчилиги	Қушимча эгаллаган касби
	Меҳнат жамоаси						
1.	Ўринов Адаҳамжон	1958	олий	иқтисодчи	36	ўзи	шафёр
2.	Ўринова Моҳирахон	1978	олий	бухгалтер	13	қизи	чевар
3.	Ўринов Алишер	1962	ўрта	механик	32	амакиси	-
4.	Маҳсудов Нозим	1989	ўрта махсус	сувчи	3	бегона	-
5.	Омонбоев Фарҳод	1984	ўрта махсус	сувчи	6	бегона	сваршик
6.	Аҳмедов Абдорхўжа	1976	ўрта махсус	ишчи	11	бегона	Дурадгор
7.	Тожибоев Ориф	1980	ўрта махсус	ишчи	9	бегона	-
8.	Раҳмонов Гайрат	1974	ўрта махсус	ишчи	13	бегона	-
9.	Акбаров Сардор	1982	ўрта махсус	ишчи	8	бегона	Ошпаз
10.	Раҳмонов Одилбек	1984	ўрта	сувчи	7	бегона	йўқ
11.	Аҳмедов Суръатжон	1974	ўрта махсус	ишчи	12	бегона	йўқ

12.	Собиров Исломжон	1985	ўрта махсус	Иш бошқарув	5	бегона	йўқ
13.	Халилов Хасанбой	1973	ўрта	сувчи	13	бегона	йўқ
14.	Муйдинов Шавкатжон	1979	ўрта	сувчи	10	бегона	йўқ
15.	Рахмонов Алижон	1963	ўрта	аъзо	28	бегона	йўқ
16.	Ахадов Комилжон	1960	ўрта	сувчи	28	бегона	йўқ
17.	Турсунбоев Лазиз	1967	ўрта	аъзо	22	бегона	йўқ
18.	Козоков Шоятбек	1975	ўрта	аъзо	17	бегона	йўқ
19.	Сиддиқов Обиджон	1975	ўрта	аъзо	18	бегона	йўқ
20.	Махкамова Хаётхон	1970	ўрта	аъзо	21	бегона	йўқ
21.	Парпиева Мағфират	1965	ўрта	аъзо	27	бегона	йўқ
22.	Тожибоева Мастура	1978	ўрта	аъзо	10	бегона	йўқ
23.	Мамедов Расулжон	1983	ўрта	сувчи	8	бегона	йўқ
24.	Одилова Мафтуна	1981	ўрта	аъзо	10	бегона	йўқ
	Жами: 24 нафар						

Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни диверсификациялашга, ерга эгалик қилишга ва ундан самарали фойдаланишга ҳамда бошқариш тизимининг бозор муносабатларига мосланиб боришига, экинлар структурасининг бозор талабига қараб такомиллаштирилишига, маҳсулот етиштирувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчилар ҳамда маҳсулот сотиб олувчилар ўртасидаги муносабатларнинг шартнома асосида олиб борилишига ва хужаликни барқарор ривожланишига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Хўжабот туманидаги Саховат фермер хўжалиги ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида бошқариш структурасини такомиллаштириш масалаларига асосий эътиборни қаратиш лозим. Бунда фермер хўжалигини техник-технологик жихатдан қайта жихозлаш жараёнида малакали ишчи кучига булган талабни кескин ошиши ва умумий ходимлар сонини қисқариши каби узгаришларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хўжабот туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш мақсадида унинг меҳнат жамоаси таркибини тубдан яхшилаш чораларини кўриш лозим. Бунда асосий эътиборни ходимларнинг маълумотига, касбий тайёргарлигига, ишлаб чиқариш тажрибасига ва кўникмасига қаратиш лозим.

Хўжабот туманидаги Саховат фермер хўжалигида меҳнат жамоасининг нафақат техник-технологик соҳадаги тайёргарлигини балки уларни иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ҳам ошириб боришга аҳамият бериш лозим. Бу бошқариш жараёнида иқтисодий усуллардан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Хўжабот туманидаги Саховат фермер хўжалигида пахта ва буғдой ҳосилдорлигини ошириш, улар таннархини олдин ўсишини тўхтатиш сўнгра пасайтириш бўйича бир қатор вазифалар турибди. Улар жумласига фермер хўжалигида пахта ва буғдой ҳосилдорлигини мос ҳолда камида 40-45 ва 70-80 центнерга кўтариш, ишлаб чиқариш ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш йўналишларни киритиш мумкин.

Саховат фермер хўжалигида юкорида курсатилгандек пахта ва буғдой дони таннархини пасайтириш имкониятлари ташки омиллар ҳисобига ўта чекланганлиги учун фермер хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини иккинчи омили бўлган сифат категориясига асосий эътиборни қаратиш лозим. Ҳозирги кунда пахта хом-ашёсининг саноат навлари ва синфлари ўртасидаги табақаланиш жуда юкори бўлиб фермер хўжалигини пахта етиштириш бўйича иқтисодий самарадорлигини кескин ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Саховат фермер хўжалигида бошқаришнинг такомиллаштириш ва иқтисодий самарадоликни оширишнинг асосий йўналишлари бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўзини бу соҳадаги махсус дастурини тузиб барча ишларни уни асосида ташкил этиш яхши самара беради.

Президентимиз И.А.Каримов қишлоқ хўжалигида бартараф этилиши лозим бўлган камчиликларга тўхталиб қуйидагиларни таъкидлайди «Айни пайтда биз қишлоқ хўжалиги соҳасида биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўриш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш билан боғлиқ, ҳали-бери ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини ҳам эътироф этишимиз зарур.

Шуни очиқ тан олиш керакки, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг масъулиятини янада ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Ўтган йили 1 минг 500 та фермер хўжалиги давлат захирасига ғалла сотиш бўйича 18 миллиард сўмлик ёки 62 минг тонна ҳажмидаги шартнома мажбуриятини бажармади» (И.А.Каримов «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» Халқ сўзи. 20 январ 2012 йил).

Х.Комоловнинг асослашича «Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёни саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўртасидаги баҳо номуносиблигининг кучайиши, жалб этилаётган ялпи инвестициялар таркибида аграр тармоқнинг улуши ва кириб келаётган янги техника воситалари миқдорининг камайиши шароитида амалга ошмоқда. Аграр соҳада ҳанузгача монополь корхоналар таъсири сақланиб қолаётганлиги, соғлом рақобат муҳитининг тўла шаклланимаганлиги мавзунинг долзарблигини янада оширади. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, қишлоқ хўжалик корхоналари, шу жумладан, фермер хўжаликларини замонавий техника воситалари ва технологиялар билан таъминлашга хизмат қиладиган эркин бозорнинг шаклланишининг асосий тўсиқларидан бири бўлиб қолмоқда.» (Х.Х.Комолов «Фермер хўжаликларини техника воситалари билан таъминлаш самарадорлигини ошириш йўллари» иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 йил, 3-бет)

М.С.Юсуповнинг кўрсатишича «Ҳар қандай корхона, у йирик ёки кичик корхона бўлсин, бошқариш зарур. Ишлаб чиқаришни бошқариш меҳнатнинг ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқади. Бошқариш алоҳида меҳнат фаолияти сифатида меҳнат тақсимоти, кооперацияси ва ишлаб чиқариш кўламининг кенгайиши натижасида юзага келган. Бу жараён бошқарув субъектининг муайян бир натижага эришиш мақсадида бошқарув объектларига мақсадли таъсир ўтказиш билан боғлиқ фаолиятни акс эттиради». (Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш: Ўқув қўлланма. – Т.: “Адабиёт жамғармаси”, 2009 й , 17 б.)

М.С.Юсуповнинг такидлашича «Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш жараёнида умумий қонуният ва тамойиллар билан бирга тармоқнинг ўзига хос бўлган табиий-иқлимий ва техник-технологик омилларини ҳам эътиборга олмоқ жоиздир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жонли организмлар – ўсимликлар ва чорва моллари билан боғлиқ бўлиб, бошқарув жараёнида уларнинг биологик ва физиологик

хусусиятларини яхши билиш лозим. Бу тармоқда ишлаб чиқариш жараёни табиий жараёнлар билан қўшилиб кетган, иш вақти ишлаб чиқариш даври билан мос келмайди. Мавсумийлик ва табиий-иқлимий шароитлар ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларидан йил давомида бир маромда фойдаланиш имконини бермайди. Тармоққа хос бўлган бу хусусиятлар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бошқарувчилари олдига янада кўпроқ масъулият юклайди ва унинг хусусиятларини чуқур ўзлаштириб, бошқарув фаолиятида ҳисобга олишни тақозо этади». (Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш: Ўқув қўлланма. – Т.: “Адабиёт жамғармаси”, 2009й)

М.С.Юсуповнинг исботлашича «Корхонани бошқариш маълум бир тамойилларга асосланиб амалга оширилади. Бу тамойиллар бошқарув фаолияти ғояларининг таянч ва фундаментал асосларини ташкил этиб, бошқарув объектлари ва субъектларига хос бўлган жараёнлар, воқеа ва ҳодисаларни илмий англаш ҳамда мақсадли фойдаланишга имкон беради. Бошқарув тамойилларини яхши ўзлаштирган раҳбарларгина бошқарувнинг мақсади ва вазифаларини чуқур англаб, оқилона қарорлар қабул қилиши мумкин». (Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш: Ўқув қўлланма. – Т.: “Адабиёт жамғармаси”, 2009 й , 30 б.)

Бошқаришнинг моҳияти, зарурлиги, усуллари ва иқтисодий самарадорлиги масалалари Ўзбекистонда М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, С.Н.Усмонов, А.А.Абдуғаниев, С.Нозимов ва шу каби бошқа иқтисодчилар томонидан ўрганилган.

Жумладан С.Нозимов қишлоқ хўжалигида менежментни қўллаш самарадорлиги омилларини таҳлил этиб уни ўзига хос хусусиятларини очиқ берган. (Қишлоқ хўжалигида менежмент. Наманган – 2001 й.).

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг янги тахририни 4-моддасида фермер хўжалигининг бошлиғи куйидагича белгиланган. «Фермер хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг муассиси – фермеридир. 18 ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган

шахс фермер бўлиши мумкин.». (Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуни. Янги таҳрири. Т. Ўзбекистон. 2004 й. 3-бет).

А.А.Абдуллаев ва бошқаларнинг фикрларига кўра аграр ислохотлар «...ўзига хос иқтисодий инқироз ҳисобланиб, қишлоқда мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланишнинг янги шаклларини вужудга келишини таъминлайди» (Қишлоқ хўжалигида юз бераётган таркибий қайта ўзгаришларнинг моҳияти ва пировард мақсади. Республика илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами. АҚХИ. Андижон 2007 й. 68-75 бетлар).

Т. Эргашев, Р.Исмамовларнинг таъкидлашларича «Фойда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш, ишчи ва хизматчиларни моддий рағбатлантиришнинг манбаи ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида фойда ҳар қандай хўжалик юритиш субъектнинг, қолаверса, бутун иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Чунки фойда бермайдиган иш ёки фаолиятга ҳеч қўл урмайди, беҳудага сарф харажат қилмайди» (Иқтисодий саводхонлик асослари. Тошкент. Шарқ. 2001 й. 62 бет).

А.А.Абдуллаев, Б.С.Рахмоноваларни Андижон вилоятида пахта-ғалла йўналишида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларини йириклаштириш жараёнини таҳлил этишиб бу соҳадаги ишларни уларнинг очиқ майдонлари оптимал даражага етказилгунга қадр давом эттирилишини мақсадга мувофиқ деб топишади (Фермер хўжалигининг техник-технологик мустақиллигини таъминлашнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжумани материллари. АМИИ. Андижон – 2009 й 175-180 бетлар).

Абдурахмонов ва бошқалар бошқаришнинг моҳияти, зарурлиги ва самарадорлиги масалаларини ёритишган (Персонални бошқариш. Ўқув қўлланма. Т. Шарқ 1998 й).

У.Парпиев, И.Соломовлар. Бозор иқтисодиётини моҳияти, зарурлиги, унга ўтиш қонуниятларини таҳлил этиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янги иқтисодий тизимда тутган ўрни ва аҳамиятини асослайдилар. (Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Т., Шарқ. 1996 й).

3. Хўжаобод туманидаги “Саховат” фермер хўжалигини жойлашган ўрни, ихтисослашуви ва табиий -иқлим шароити.

Фермер хўжалигини истиқболдаги ривожланиши ва иқтисодий самарадорлиги кўп жihatдан хўжаликнинг жойлашган ўрни, тупрогининг таркиби, табиий иқлим шароитлари, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш асосида уларни техник-технологик мустақиллиги ва ҳамда мавжуд техникадан самарали фойдаланиш ва агротехник чоратадбирларни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш учун зарур бўлган билимлар, ишлаб чиқариш кўникмаларига эга бўлган мутахассис-кадрларга, ҳамда бошқарув услубларига бевосита боғлиқдир.

Шу жihatдан битирув малакавий ишини бажаришда Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигининг бу соҳадаги Кўрсаткичларини атрофлича урганиш муҳим аҳамиятга эгадир. 2010-2012 йиллар давомидаги иқтисодий Кўрсаткичлари таҳлил этилган Саховат фермер хўжалиги Хўжаобод туманининг М.Мадийёров массивининг Олтин водий қишлоқ фуқоролар йиғинидаги Солпи маҳалла фуқоролар йиғинида жойлашган. Фермер хўжалиги вилоят марказидан 30 километр, туман марказидан 6 километр узоқликда жойлашган. Пахта тозалаш ва дон маҳсулотларини қабул қилиш корхоналари мос ҳолда 10-11 километр узоқликда, фермер хўжалиги туман ОАЖ ММТПсидан ҳамда Ўзкимё ташкилотидан 5-6 километр шунинг билан биргаликда Пиллакашлик корхонасидан 3км, нефтбазадан эса 22 км узоқликда жойлашган. Фермер хўжалигини ҳудудидан Андижон-Ош магистрал йулига қадар бўлган масофа 1 километрни ташкил этади. Фермер хўжалигига энг яқин бўлган темир йўл бекати бу Гурунгомзор темир йўл станциясидир унинг узоқлиги 25 км ташкил этади.

Саховат фермер хўжалиги илк мустақиллик даврларида яъни 1999 йил 1 майда туман ҳокимининг 240-К сонли қарори асосида деҳқон фермер хўжалиги сифатида ташкил топди. Ўзбекистон Республика Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участка майдонларини янада мақбуллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги Ф-3287

сонли фармойишига асосан вилоятимиз туманларида ҳам бирқатор ишлар олиб борилди. Ана шу фармойишга асосан Саховат фермер хўжалигини раҳбарининг туман ҳокимига ёзган аризасига биноан 2008 йил 15 ноябрда туман ҳокимининг № 546-к сонли қарорига асосан Искандар замин фермер хўжалиги ерлари қўшиб берилган. Жами ер майдони 2009 йил учун 53,4 гектар этиб белгиланди, жумладан 51 гектар экин майдони ҳисобланиб, бундан ташқари 1 гектари йўллар билан, 0,4 гектари сув иншоотлари билан, 1 гектари тутзорлар билан банд.

Фермер хўжалигига ер участкаси 49 йил муддатга ижарага фойдаланиш учун берилди. Ушбу ерларни суғоришда фермер хўжалиги Мадиевров сувдан фойдаланувчилар уюшмаси билан шартнома асосида суғориб келади ва иригайия оқава ва насосдан ҳам фойдаланади.

Фермер хўжалиги шарк томонидан Норхўжа фермер хўжалиги билан, шимол томонидан Зиё нурлари фермер хўжалиги билан, гарб томонидан Старт Дизайни фермер хўжалиги билан ва жануб томондан Мустахкам жилокори фермер хўжаликлари билан чегарадош ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда Саховат фермер хўжалигининг жойлашган ўрни ўта қулай бўлиб, келажакда бу имкониятлардан самарали фойдаланиш мумкин. Саховат фермер хўжалигини жойлашган ҳудуднинг табиий-иқлим шароити кескин континентал бўлиб, ёзи иссиқ, киши эса совуқдир. Ёз фаслида ҳаво ҳарорати +36 +40 даражагача кутарилса, киш фаслида -12 -18 даражагача пасайиши мумкин. Йиллик ёгин миқдори талаб даражасида бўлмаганлиги сабабли суғориб дехкончилик қилинади. Фермер хўжалигини сув билан таминланганлик даражаси талаб даражасида, лекин ғўза вегетацияси даврида маълум даражада сув танқислиги сезилиб туради.

Саховат фермер хўжалиги тумандаги Агробанк бўлимида ўз ҳисоб рақамини очган бўлиб, банк ҳ/р 20208000904013848001, МФО 00042, солиқ тўловчининг ИИН 202988489 билан ўз операцияларини амалга ошириб келмоқда.

Саховат фермер хўжалиги ўзиктисодий муносабатларини фаолиятини олиб боришда асосан тумандаги Пахта тозалаш заводи, дон махсулотларини қабул қилиш корхонаси, туман ОАЖ ММТПси, ҳамда Ўзкимё ташкилоти, Пиллакашлик корхонаси, нефтбаза шунинг билан биргаликда Ўсимликларни химоя қилиш, суфдан фойдаланувчилар уюшмалари билан олиб боради.

Саховат фермер хўжалиги 49 йил муддатга ижарага берилган ер участкасининг мелоратив ҳолати талаб даражасида бўлиб ер ости сувларидан 6-8 метр чуқурликда жойлашган, ерлари шурланмаган. Тупроги типик бўз тупрок ҳисобланиб нисбатан олинганда тупрок унумдорлиги, фойдали элементлар ва гумус миқдори ўртача.

2-жадвалда Саховат фермер хўжалигининг узок муддатли ижарага берилган ер участкасининг ҳолати ҳақида маълумот берилган. Саховат фермер хўжалигига ажратилган ер участкаси 6 контурдан иборат бўлиб, улар қуйидаги тақсимотга эгадир. 1 контур 10 гектарни ташкил этиб тупроги 4-кадастр гуруҳининг 6-синфида 67 банитет балига эга. 2 контур 15,5 гектарни ташкил этиб тупроги 4-кадастр гуруҳининг 7-синфида 67 банитет балига эга. 3 контур 4,5 гектарни ташкил этиб тупроги 4-кадастр гуруҳининг 7-синфида 67 банитет балига эга. 4 контур 5,3 гектарни, 5 контур 4,7 гектарни, 6 контур 12 гектарни ташкил этиб тупроги 4-кадастр гуруҳининг 7-синфида 67 банитет балига эга. Жумладан 2012 йилда 51 гектар экин майдони бўлиб, шундан 27 гектарига пахта, 24 гектарига бугдой экилган.

Сугориш картасининг ҳажми унда техника воситаларидан, меҳнат ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳамда янги технологияларни жорий этиш имкониятларини беради. Сабаби юқоридаги талабларга жавоб бера олиши учун сугориш карталарининг ҳажми камида уч гектарни ташкил этиб, бир томонининг узунлиги 1000 метрдан кам бўлмаслиги керак. Бу жиҳатдан фермер хўжалигида сугориш карталарига қуйилган талабларга тула жавоб беради.

Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкаларини тупрок

банитет баллари тўғрисида маълумот

1-жадвал

№	Ер участкалари		Банитет баллари	Ер майдони, га	Ўртача банитет бали	Суғориш карталар сони	Ўртача бир картани хажми. (га)	Суғориш карталарини тавсифи
	Кадастр гурухлари	Синфлари						
1	1 кадастр гурухи	1 синф 2 синф	0дан 10 гача 11дан 20 гача					1 карта –10 га 2 карта -15.5 га 3 карта-4.5га 4 карта -5.3га 5 карта -4.7га 6 карта-12 га
2	2 кадастр гурухи	3 синф 4 синф	21дан 30 гача 31дан 40 гача					Тупроғи типик буз тупрок.ернинг мелиоратив ҳолати яхши, суғориш карталари текисликда жойлашган, Сув билан таминланиши талаб даражасида, Ер ости сувлари 6–8метр чуқурликда жойлашган.
3	3 кадастр гурухи	5 синф 6 синф	41дан 50 гача 51дан 60 гача					
4	4 кадастр гурухи	7 синф 8 синф	61дан 70гача 71дан 80 гача	51	67	6	8,5	
5	5 кадастр гурухи	9 синф 10синф	81дан 90гача 91дан 100 гача					

Ер участкасининг узок муддатли ижарага олиш шартномаси 10 банддан иборат бўлиб, унда вужудга келиши мумкин булган ҳолатлар ҳисобга олинган. Ушбу ерга ижара ҳукуки асосида эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича муносабатларни тартибга солувчи ҳукукий ҳужжат ҳисобланиб, барча қелишмовчиликлар шу ҳужжат асосида қуриб чиқилади. Бу соҳада муаммолар чиқиб ҳўжалик судида қурилганда ҳам суд қарори шу ҳужжат асосида ҳукм чиқарилади. Ушбу ер участкасини узок муддат ижарага олиш шартномаси туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлимининг бошлиғи, фермер ҳўжалигининг бошлиғи ва ердан фойдаланувчиларнинг вакили томонидан имзоланиб муҳрланади.

Саховат фермер ҳўжалигида ер участкасидан фойдаланиш ҳолати ҳам юқори даражада бўлиб йилдан-йилга экин экилади. Пахта ҳосилдорлиғи 34 центнерни, бугдой ҳосилдорлиғи эса 65 центнерни ташкил этади. Фермер ҳўжалиғи М.Мадийёров массивидаги илгор ҳўжаликлардан бири ҳисобланади.

3-жадвалда Саховат фермер ҳўжалиғини экин майдони ва уни таркиби берилган. Жадвал маълумотларидан Қўриниб турибдики, охириги йилларда фермер ҳўжалигининг жами экин майдони ҳажми ўзгармаган. Ҳозирги кунда уни 27 гектарига пахта ва 24 гектарига бугдой дони экилади. Фермер ҳўжалигида пахта ҳосилдорлиғи ўртача бўлиб, гектарига 34 центнерни ташкил этади, галла бўйича ҳам яхши қурсаткичга эга, яъни 65 центнерни ташкил этади. Лекин ҳўжаликда пахта ва галла ҳосилдорлиғини янада қутариш имқониятлари мавжуд. Жумладан, ҳўжаликка узок муддатга ижарага берилган ер участкасининг банитет бали 67 ни ташкил этиб уни қутариш чора-тадбирларини қуриш лозим. Яъни ер участкасининг мелоратив ҳолатини ошириш мумкин. Ундан ташқари ҳўжаликда самарали технологиялардан фойдаланиш имқониятлари ҳам бор.

Фермер ҳўжалигида ҳисобот йилида 24 нафар ходимлар фаолият қурсатиб ундан 19 таси пахтачиликда ва 5 таси галлачиликда банд.

**Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигини экин майдони
ва унинг таркиби.**

3-жадвал.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бир лиги	2010 йил		2011йил		2012йил		2012 йилда 2010 йилга нисбати
			Мик дори	%	Мик дори	%	Микдо ри	%	
1.	Жами экин майдони	га	51	100	51	100	51	100	100,0
1,1	Шундан пахта	га	27	52,9	27	52,9	27	52,9	100,0
	Хосилдорлик	ц\га	32		35		34		106,3
	Ялпи хосил	ц	864,0		945,0		918,0		106,3
1,2	Дон	га	24	47,1	24	47,1	24	47,1	100,0
	Хосилдорлик	ц\га	62		60		65		104,8
	Ялпи хосил	ц	1488		1440		1560		104,8
2	Ходимлар сони	ц\га	24	100	24	100	24	100	100,0
2.1	Шундан пахтачиликда	ц	19	79,2	19	79,2	19	79,2	100,0
2.2	Дончиликда	нафар	5	20,8	5	20,8	5	20,8	100,0
3	Ерни банитет бали	балл	67		67		67		х

Асосий воситалар деб- ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта қатнашиб, ўзининг қийматини маҳсулотга қисман ўтказадиган воситаларга айтилади. Асосий воситалар таркибига қуйидагилар киради: тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, автомашиналари, бино- иншоотлари, кўп йиллик дарахтзорлар, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган воситалар киради.

Саховат фермер хўжалигини моддий-техника базасини қуйидаги маълумотлар асосида кўриб чиқамиз

4- жадвалда Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалиги 2007 йил фермер хўжаликларига берилган имкониятлардан фойдаланиб 31 миллион сўмга лизингга ТТЗ-80-10 русумли трактор сотиб олган Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги техникаларига керакли қишлоқ хўжалиги машиналари билан тўла таъминланган. Улар жумласига 2 та культиватор, 2 та сеялка, 1 та чизел, 1 та ер текислаш агрегати, 1 та омор, 4 та тиркама ва шу каби бошқа мосламалари бор. Барча техникалар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг техник жиҳатдан созлиги талаб даражасида бўлиб мунтазам техник кўриклардан ўтказилиб турилади.

Бундан ташқари фермер хўжалиги туман МТП билан шартнома тузиб техникалардан фойдаланади. Юқорида келтирилган маълумотлар Саховат фермер хўжалигини тумандаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган, йирик ва молиявий ҳолати нисбатан олинганда барқарор бўлган хўжалик эканлигини тўла асослайди. Фермер хўжалиги жамоаси ходимларининг аксарият қисми кўп йиллик ишлаб чиқариш тажрибасига ва кўникмасига эга бўлган уста деҳқонлар бўлиб ҳисобланади. Улар пахта ва ғалла етиштириш технологиясини барча сир-асрорларини тўла биладиган тажрибали деҳқонлар бўлиб ушбу экинларни юқори ва барқарор ҳосилдорликни олиш имкониятларига эгадирлар. Шу билан бир қаторда фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш бўйича қилиниши керак бўлган бир қатор ишлар мавжуд.

**Хўжабод туманидаги Саховат фермер хўжалигида мавжуд қишлоқ
хўжалик техника воситалари тўғрисида маълумот**

4-жадвал

N:	Техника тури	сони	Қолдиқ қиймати	Ҳолати
1	ТТЗ-80.11	2 та	44000 минг сўм	ярокли
2	ТТЗ-80.10	1 та	17000 минг сўм	ярокли
3	МХ-140	1 та	118000 минг сўм	ярокли
	Жами техника воситалари:	4 та	179000 минг сўм	
	Тиркамалар тури			
4	Барона	1 та	150 минг сўм	ярокли
5	Культиватор	1 та	1000 минг сўм	ярокли
6	Чизель	1 та	370 минг сўм	ярокли
7	Трактор омочлар	1 та	1200 минг сўм	ярокли
8	Ўғит солиш техникаси	1 та	1700 минг сўм	ярокли
9	Сеялка	2 та	2100 минг сўм	ярокли
	Жами тиркамалар:	7 та	6520 минг сўм	ярокли
	Жами техника ва тиркамалар:		185520 минг сўм	

Уларни ижобий ҳал этилиши ходимларни касбий малакасини ҳамда иқтисодиёт, бошқарув ва ҳуқуқ соҳаларидаги назарий билимларини ва амалий кўникмаларини кескин оширилишини тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорликни аниқлашда объектив иқтисодий конунлар ҳамда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизимига асослаш, турли хусусиятда иқтисодий самарани улчаш ҳамда турли хусусиятдаги ресурслар ва харажатларни улчаш сифатида ҳам зарурдир.

4. Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида пахтачилик агротехнологиясини ташкил этиш ва бошқариш.

Маълумки, пахта етиштиришда қўлланиладиган агротехнологик тадбирлар, тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда мавжуд пахта экин майдонлари учта минтақага бўлинади. Мана шу минтақаларнинг хусусиятларини назарда тутган ҳолда чигит экишгача бўлган технологик тадбирлар ва экилгандан кейинги бажариладиган ишлар ўртасида бирмунча тафовутлар мавжуд. Бу тадбирлар ҳар беш йилда бир марта тегишли вазирлик томонидан чиқариладиган «Асосий қишлоқ хўжалик экинларини парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталарда тўлиқ баён қилинган бўлади.

Одатда пахта етиштириш учун агрономик жиҳатдан хўжалик учун йил бўйи бажариладиган турли дала ишларининг тахминий календар режасини тузиб чиқиш керак бўлади. Календар режани тузиб чиқишда айтиб ўтилган учала минтақанинг чигит эккунга қадар амалга оширадиган технологик тадбирларининг бир биридан фарқ қилиши ҳисобга олинади.

Шунинг учун учала минтақанинг бир-биридан фарқини қуйидагича тушунтириб берамиз.

Биринчи минтақага пахта етиштириладиган тоғолди ҳудудлари киради. Даланинг нишаблиги кўзга яққол ташланиб туради. Сизот сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқ, ери шўрланмаган, ёғин миқдори экилган чигитни тўлиқ ундириб олиш учун етарли ҳисобланади.

Иккинчи минтақа пахта етиштириладиган текислик-адирликлардан иборат бўлиб, ернинг нишаблик даражаси биринчи минтақаникига нисбатан камроқ. Тупроғи бўз тупроқ типига киради, шўрланмаган, сизот суви чуқур жойлашган. Экилган чигитни тўлиқ ундириб олиш учун ёғин суви кифоя қилмайди. Шунинг учун қиш ва кўкламда яхоб суви берилади.

Учинчи минтақадаги пахта етиштирадиган ҳудудлар текислик-даштликлардан иборат. Ернинг нишаблиги иккинчи минтақаникига нисбатан анча кам. Сизот сувлари яқин бўлиб, айрим жойларда ер шўрланган. Сизот

сувлари юза жойлашгани учун захини қочириш мақсадида зовур ва коллекторлар қазилган бўлиб, вақт-вақти билан тозаланиб чуқурлаштириб турилади. Тупроғи асосан ўтлоқ ва ўтлоқи-ботқоқ типга киради. Шўр ерлар ювиб турилади. Шўрланмаган ерларга ҳам баъзан яхоб суви берилиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган учала минтақа ҳар бир туманда ёки хўжаликда ҳам бўлиши мумкин. Технологик календар режани тузишда мана шунини ҳам ҳисобга олиш керак. Баъзан ҳатто битта фермер ерининг бир қисми иккинчи минтақага ва бир қисми учинчи минтақага қарашли бўлиши мумкин. Бунда ҳар бир минтақа учун алоҳида технологик календар режа тузилиши лозим.

Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалиги экин майдонлари асосан учинчи минтақага мансуб бўлиб, фермер хўжалиги пахта ва бугдой етиштиришга ихтисослашган. Хўжаликда пахта етиштириш ағолтехнологияларини ўрганишда биз аввало қуйидаги назарий маълумотлар асос қилиб олдик. Ғўза индивидуал ривожланиш процессида чигитни экишдан то вегетация даври охиригача бешта асосий фазани ўтайди.

1. Униб чиқиш, яъни уруғпалланинг кўкариб чиқиш фазаси.
2. Чинбарг чиқариш фазаси.
3. Шоналаш, яъни ҳосил шохлар пайдо қилиш фазаси.
4. Гуллаш фазаси.
5. Пишиш, яъни кўсакларнинг очилиши фазаси.

Ғўзада нормал шароитда ривожланиш фазалари ўрта ҳисобда экишдан то ниҳолларнинг униб чиққунига қадар тупроқда нам етарли ва қулай температурада 5-7 кун, ноқулай шароитда эса 10-15 кун ва ундан ҳам кўпроқ, ниҳолларнинг кўкариб чиқишидан то дастлабки чинбарг чиқаргунга қадар 8-12 кун, биринчи чинбарг чиқаргандан то шоналай бошлагунга қадар 25-30 кун, шоналай бошлагандан то гуллай бошлагунгача 25-30 кун ва ниҳоят гуллай бошлагандан то ҳосил етилишга қадар 50-60 кун вақт ўтади.

Мамлакатимизда экиладиган ўртача толали ғўза навларида чигитни экишдан то ҳосили пиша бошлагунга қадар тахминан 120-150 кунлик

евгетация даври кузатилади. Фермер хўжалигида 2012 йилда ғўзанинг Андижон-35 нави экилган бўлиб,мазкур навнинг биологик хусусиятларини,фермер хўжалиги экин майдонларини ўзига хос бўлган хусусиятларини тўла ҳисобга олган ҳолда чигит экиш ишлари 18-20 апрел кунлари амалга оширилди.Фермер хўжалиги пахта экадиган экин майдонларининг тупроқ таркиби бўз тупрокли енгил бўлганлиги учун чигит 4-5 см чуқурликда ва қатор орасининг кенглиги 90 см ли қилиб 90x10см схемада экилди.Хўжаликда 2012 йилда асосан туксиз чигит экилган бўлиб,экиш нормаси гектарига ўртача 60 килограмни ташкил этди.Экиш даврида экиш билан бирга ўғит бериш ишларига алоҳида эътибор қаратилди,чунки бу тадбир ғўзанинг нормал униб чиқиши, ривожланиши ва охир оқибатда ҳосилдорлигига ижобий таъсир этишини фермер хўжалиги раҳбари яхши тушунади. Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалиги раҳбари Ўринов Адаҳамжоннинг бу соҳадаги тажрибаси катта эканлиги фермер хўжалигида чигит экиш ишларини илмий асосда ташкил этиш ва бошқаришни янада енгиллаштирди. Чигитни эрта, тўлиқ ва қийғос ундириб олиш агротехник тадбирлар орасида муҳим ўрин эгаллайди.Шунинг учун ҳам фермер хўжалигини иш юритувчиси ўрта махсус мутахассисликка эга бўлган Собиров Исломжон бошчилигидаги фермер хўжалиги аъзолари томонидан чигит экилгандан кейин унинг тупроқдаги ҳолатини ва ниш уришини муттасил кузатиб борилди. Фермер хўжалигининг тупроғи таркибида чиринди микдорининг камлиги қатқалоқ пайдо бўлиши жуда хавфини оширишини ҳисобга олиб катқалокка қарши кураш ишлари 1 марта 6 гектарлик картада амалга оширилди.Куннинг тез исиб кетиши натижасида фермер хўжалиги пахта майдонларида чигит суви беришга тугри келди.Бу тадбирни амалга оширишда сув сарфи гектарига ўртача 600-700 м³ ни ташкил этди.

Ќўзанинг жадал ривожланишини ва мўл ҳосил тўплашни таъминловчи воситалардан бири ниҳолларни яғаналашдир Ќўза ниҳолларини яғаналашни ниҳоллар тўлиқ униб чиққандан бошлаб 1 та 2 та чин барг пайдо

бўлишгача тугаллаш лозим бўлади. Агар яганалаш кечиктирилса ғўзанинг ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таалуқли барча кўрсаткичлар пасайиб кетади, чунки яганалаш чўзилиб кетса ғўза ниҳоллари ўзлари билан биргаликда озуқа моддаларини кўпроқ миқдорда олиб кетади.

Яганалаш ва букетларни ростлашни иложи борича эрта, яъни дастлабки уругпалла барги чиқариши билан ўтказилиши жуда муҳимдир, чунки чигит экилгандан кейин ҳар уяда 7—8 тупдан кўчат бўлади, булар ёшлигидаёқ юлиб ташланмаса, бир-бирини жуда сиқиб қўяди, илдизлари бир-бири билан чалкашиб кетади ва яганалашда юлиб ташланадиган ниҳолнинг илдизи уяда қолдириладиган ўсимлик илдизига зарар етказади. Натижада илдизи шикастланган ниҳоллар нимжон бўлиб қолади. Бундан ташқари яганалаш қанчалик кечиктириб ўтказилса, тупроқдан озик моддалар шунчалик кўп йўқотилади ва тупроқ нами камайиб кетади. ЎзПИТИ маълумотларига қараганда, яганалаш ўз муддатида ўтказилган тақдирда ҳам юлиб ташланган ортиқча ниҳоллар билан гектарига 6—10 кг азот ва 1—2 кг фосфор чиқиб кетади (шунча озик майсаларни яганалашга қадар ўсиши учун сарфланади). Яганалашда энг яхши ривожланган, соғлом ўсимлик қолдирилади. Буни яхши тушунган фермер хўжалиги аъзолари яганалашни уз вақтида утказдилар ва бу жараёнда қўшимча ишчи кучлари жалб этилди.

Яганалаш ишлари тугалланиб ғўза қатор ораларига ишлов бериш ишлари амалга ошириб борилди, бунда албатта қатор оралари 60 см қилиб экилганлигини ҳисобга олиб культиватор иш органлари камида 40—45 см кенгликдаги жойни қамраб олишига эришилди. Бундан ташқари ёш ғўза қатор ораларини ишлаш вақтида культиватор иш органлари майсаларни тупроқ билан кўмиб, уларни шикастлаб кўчат сонини камайтириб юбормаслиги учун ғўзалар ёппасига шонага кирган даврга қадар (бўйи 20—25 см бўлгунча) культиваторга сферик дисклар тақилди. Ёш ғўзалар суғорилгандан кейин 3—4 кунда, у ўсиб қаторларни соялаган даврда эса 6—8 кунда ер культивацияга етилади. Ғўза қатор оралари культивация

килингандан сўнг қаторларда ўсиб чиққан бегона ўтлар илдизи билан қўлда юлиб олиниши таъминланди. Культивация ҳар галги суғоришдан сўнг пешма-пеш ўтказилди ва 5 августда охирги култивация амалга оширилди. Назарияда тупроқ шароитларига кўра, ғўза гуллагунга қадар суғорилмайдиган ёки бир марта, кўпинча экин қатор оралари 2 марта, кўклам серёгин келган йилларда, шунингдек, ўт босган майдонларда 3 мартагача культивация қилишга йўл қўйилади. Сув ғўзага шунинг учун ҳам керакки, у биринчи навбатда ўсимлик таркибидаги турли хил бирикмаларни эритади ва уларни ҳаракатчан ҳолатга келтиради, бусиз ўсимликнинг ҳаёт фаолияти тўхтайдди. Сув туфайли ўсимлик ҳужайраларида моддалар алмашинув процесси боради ва бу процесс натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар ўсимлик органининг бир тўқимасидан иккинчи тўқимасига томон силжийди.

Шунингдек, сув ғўза учун органик моддалар ҳосил қилиш ва унинг турли хил органларини тузиш учун зарурдир. Органик моддалар ўсимлик қуруқ массасининг 90—95% ини ташкил қилиб, у сув ва атмосферадаги карбонат ангидрид иштирокида қуёш энергиясидан фойдаланиш туфайли вужудга келади. Бунда баргларнинг карбонат ангидриди ўзлаштириш қобилияти ўсимлик ҳужайраларининг сув билан қанчалик таъминланганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўсимлик тупроқдан ўзлаштирган сувни узлуксиз равишда сарфлаб туради. Ғўзада сарфланадиган сув ўсимликда ўсиш ва қуруқ моддалар тўплаш динамикасига боғлиқ ҳолда кечади. Бунда умумий фойдаланиладиган сувнинг атиги 1—2% органик моддалар ҳосил қилиш ва турли органларнинг тузилиши учун сарфланади. Сувнинг қолган қисми (98—99%) ўсимлик барглари орқали буғланиб кетади (транспирация).

Транспирация процесси учун зарур бўладиган сув миқдори грамм билан ифодаланиб, у ўсув даври давомида бир грамм қуруқ модда ҳосил қилиш учун сарфланади. Бу миқдор сув транспирация коэффиценти деб аталади. Транспирация коэффиценти экинлар турига қараб ҳар хил миқдорда бўлади. У ўсимликнинг биологик

хусусиятларига, ёшига, ўсиш жойи ва шароитига боғлиқдир. Масалан, пичанга ўстирилган беда 1 г куруқ модда ҳосил қилиши учун 600—1100 г гача, ғўза 400— 800 г гача, маккажўхори ва оқжўхори 250—450 г, тарик 120—360 г сув сарфлайди.

Бу маълумотлардан ғўза транспирация процесси учун анчагина сув сарфлаши кўриниб турибди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сувни тежаб-тергаб сарфлаб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришга эришиш дозим. Гуллашга қадар ҳар бир ғўза тупи 8—10 тагача ҳосил шох чиқаради. Келгусида биринчи теримда олинадиган ҳосилнинг асосий қисми мана шу шохларда шаклланади. Ана шу даврда суғоришни шундай ташкил этиш керакки, бунда ғўза ҳаддан ташқари тез ўсиб говлаб кетмаслиги ва ўз вақтида гуллаши, кейинчалик тупларнинг пастки ярусигаги барча тугунча ҳамда кўсаклари тўла сақланиши таъминланиши зарур.

Бу ғўзанинг суғориш режимини тўғри ташкил этиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишини яхшилаш имконини берадиган бошқа тадбир-чораларни амалга оширишни тақозо қилади.

Ќўза қатор ораларида ўтказиладиган культивациялар суғориш сонига боғлиқ бўлиб, одатда 2—3 марта ўтказилади. Агарда ғўза 3 марта суғорилса 2 марта, яъни биринчи ва иккинчи сувдан кейин, 5—6 марта суғорилганда кўпинча 3, баъзан 4 марта культивация қилинади. Борди-ю, ғўза мавсумда 8—9 марта суғорилса ҳам культивация сони деярли ўзгармайди. Илғорлар тажрибаси ва илмий текшириш ташкилотларининг кузатишлари, ўсув даврида ғўза қатор ораларини 4—5 марта, лекин тупроғи кеч қизийдиган оғир тупроқ ерларда, ўт босган, шунингдек, ғўзаси ўсишдан орқада қолган ерлардагина мустасно тарикасида 6—7, ҳатто 8 мартагача культивация қилиш мумкин эканлигидан далолат беради.

Чигит тор қаторлаб (60 см) ёки кенг қаторлаб (90 см) экилишидан қатъий назар ўсув даврида ишлов бериш сони ўртасида деярли фарқ йўқ. Юқоридагилардан келиб чиқиб фермер хўжалиги пахтачилигида ғўза 2011

йилда 5 марта сугорилди ва 4 марта катор ораларига ишлов берилди. Маълумотларга кўра ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича етиштирилаётган пахтанинг ярми минерал ўғитлар ҳисобига олинмокда. Ўғитларнинг самарадорлигини ошириш учун агротехникавий тадбирларга тўлиқ амал қилиниши керак. Республикамиз бўйича 1 кг азот ҳисобига ўртача 10—15 кг пахта етиштирилмокда. Одатда ғўзанинг ўғитлаш нормаси бир қанча факторларга боғлиқ, булар орасида тупроқ типи ва унинг қай даражада маданийлашганлиги, қўлланиладиган агротехника даражаси, иқлим шароит ва бошқалар энг муҳимлари ҳисобланади. Ўғитлаш нормасини белгилашда тупроқнинг табиий унумдорлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Ќўзани ўғитлаш нормаси олинадиган ҳосилга қараб ҳам белгиланади. Масалан, 1 т пахта етиштириш учун 30—80 кг азот, 10—20 кг фосфор ва 40—70 кг калий сарф бўлади.

Ерга солинган ўғитларнинг ҳаммасини ўсимликлар ўзлаштира оладими, деган савол тугилади. Текширишлар шуни кўрсатдики, ўсимликлар ерга солинган азотнинг одатда 50% ини, ғўзалар юқори агротехника асосида парвариш қилинганда эса 70% ини ўзлаштира олар экан. Қолган азотнинг бир қисми нитрат ҳолида ер бетига кўтарилиб ҳавога чиқиб кетса, бир қисми тупроқнинг пастки қатламига ювилиб тушади ёки оқава сув билан пайкалдан чиқиб кетади. Шундай қилиб келгуси йили ундан келадиган фойда жуда кам бўлади.

фосфорли ўғитларни ўсимликлар биринчи йили 15— 20% ини, кейинги йили эса атиги 12—14% ини ўзлаштиради, холос.

Маълумки, Ўрта Осиё тупроғи калийга анча бой ҳисобланади, шунга кўра гектаридан 25 ц дан ортиқ ҳосил етиштириладиган майдонларгагина калий солиш тавсия этилади. Кейинги йилларда ўтказилган тажрибалар ғўзадан юқори ҳосил етиштириш учун азотга нисбатан калийни ярим нормада солиш яхши самара беришини кўрсатмокда.

Шунингдек, ғўзани вегетация даврида ўғитлашда қуйидаги назарий маълумотлар асосида ишни ташкил этиш яхши самара беради деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон ўғит ва агротупроқшунослик институти маълумотига қараганда, ғўза ривожланиш фазаларига қараб ердан азот ва фосфор моддасини қуйидаги миқдорда олади:

- чигит униб чиққандан шоналагунча азот 7%, фосфор 5%;
- шоналашдан гуллагунча азот 46%, фосфор 35%;
- гуллашдан пиша бошлагунча азот 44%, фосфор 50%;
- пиша бошлашидан пишиш даврининг охиригача азот 3%, фосфор 10%.

Шоналаш ва гуллаш фазасида тупроқда азотнинг керагидан ортиқча бўлиши ўсимликнинг ғовлаб кетишига, ҳосилининг камайишига ва кеч етилишига олиб келади. Аксинча, бу даврда азотнинг камчил бўлиши эса, ўсимликнинг заиф ўсиб, ҳосил шохлари кам бўлишига, бинобарин, кўсакларнинг камайишига ва майда бўлиб қолишига сабаб бўлади.

Ќўза ҳаётида калийнинг роли ҳам жуда катта, у ўсимликнинг репродуктив (ғўзанинг гуллаш, кўсаклаш, чигит етилиш) фазага ўтишига ёрдам беради. Бундан ташқари, калий моддаси етарли бўлганда ўсимликнинг ўзида сув сақлаб туриш қобилияти яхшиланади, демак, бундай ўсимликларда бугланиш жараёни камаяди.

Ќўзанинг ўсиш ва ривожланишига баъзи бир бошқа элементларнинг ҳам таъсир этиши аниқланган. Масалан, баъзи бирикма ҳолдаги кальций (CaSO_4 , CaHPO_4) ғўза нллизининг ўсишини ва янгилари пайдо бўлишини жадаллаштиради.

Ќўзанинг ривожланишига микроэлементлар катта таъсир кўрсатади. Масалан, ғўза гулининг уруғланиш органларида кўплаб тўпланадиган бор элементи чангчининг ўсиш кучини оширади.

Агар тупроқда фосфор моддаси етишмаса, ўсимлик паст бўйли бўлиб ўсади, барглари майдалашади, баъзан бу барглarda қизғиш томирлар пайдо бўлади. Калий етишмаганда ғўза баргида қўнғир доғлар пайдо бўлади, шундан кейин бу барг шапалоқлари ҳимарилиб, аста-секин

курийди ва тушиб кетади. Баъзан баргнинг яшил қисми билан оқиш қисми навбатма-навбат жойлашиб, барг чипор тусга киради. Агар ўсимликка темир моддаси етишмаса, у хлороз касаллигига чалинади, натижада ғўза барги оқиш-сарик ва ҳатто оқ тусга киради. Тупроқда марганец етишмаганда ҳам худди шундай ҳодиса содир бўлади.

Эскидан деҳқончилик қилиб келинаётган ерларда тупроқнинг табиий унумдорлиги ҳисобига гектаридан 15 ц ҳосил олиш мумкин. Айтайлик, гектаридан 35 ц дан ҳосил олиш режалаштирилган, шунча ҳосил олиш учун, яъни гектаридан 20 ц қўшимча ҳосил олиш учун қанчадан азот ва фосфор бериш керак? Юқорида айтилганидек, 1 т пахта етиштириш учун 50 кг азот, 17 кг фосфор зарур, буни 2 т (20 ц) га кўпайтириб, ўғитнинг фойдаланиш коэффициентиға (азотники 0,5, фосфорпики 0,17) бўлинса, етиштириладиган ҳосил учун талаб қилинадиган ўғит миқдори келиб чиқади. Шунини ҳам айтиш керакки, фосфор ўғитини олдинги йилдагисидан тахминан 25% и фойдаланилган деб, буни чегириб ташлаш лозим.

Калийдан эса азот нормасига нисбатан 50% миқдорида солиниши тавсия қилинади.

Фермер хўжалигида 2012 йилда ғўзани ўғитлаш ишлари юқорида келтирилган меъёрлардан келиб чиқиб амалга оширилди.

Ќўза бошқа иссиқсевар экинларга нисбатан узоқ муддат ўсади, бунга ўсимлик тупидаги меваларнинг бирин-кетин пайдо бўлиши, озиқ моддалар, сув ва бошқа омиллар билан таъминланиш даражаси бир хилда эмаслиги сабаб бўлади. Ќўзаларнинг барқ уриб ўсиши ва жуда кўплаб мевалаши асосан июль ойининг иккинчи ярмидан то августнинг биринчи ярмигача бўлган муддатга тўғри келади.

Одатда, ғўза юқори агротехника асосида парвариш қилинганда ҳам ўртача толали ғўза тупларида пайдо бўлган меваларнинг ярмидан кўпи тўкилиб кетади. Шунини олдини олиш мақсадида ғўза қеканка қилинади. Чеканка ғўзаларнинг ривожланишига ва гектарлардаги туп сонига қараб турли муддатларда ўтказилади, бунда ўсимликнинг асосий

поя ва ўсув шохи учлари чимтиб ташланади. Шундай қилинганда ғўза бўйига ортиқча ўсиб кетмайди, озик моддалар ва сув ҳосил шохларига баровар тақсимланади. Чеканка қилиш муддати ғўзанинг ҳолатига, кўчат қалинлигига, экилган нав хусусиятларига, иқлим шароитларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Пахтакор районларда тупроқ-иқлим шароит турлича бўлишидан қатъи назар чеканкани июль ойининг ўрталарида бошлаб 5—10 августгача тугаллаш тавсия қилинади.

Фермер хўжалиги пахта майдонларида етиштирилгин ҳосилни йиғиб териб олиш ишлари 2012 йил 3 сентябрдан бошланди. Ҳосилни йиғиб олишда асоса хўжаликда ўтказилган абробация натижаларига, фермер хўжалиги пахта экин майдонларидаги ҳосилни етилиш кетма-кетлигига алоҳида эътибор қаратилди. Хўжаликда етиштирилган ҳосил асосан қўлда йиғиб териб олинди, шу асосда ҳисоб-китобларга қараганда, пахта етиштиришга йил бўйи қилинган жами сарф-харажатларнинг 50—55% и пахта терими учун сарфланди.

Йиғиб териб олинган ҳар бир килограмм пахта хом ашёси учун 2012 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олиш юзасидан мамалакатимиз миқёсида белгиланган нархлар бўйича ҳар 5 кунда ҳисоб-китоб қилиб борилди. Фермер хўжалигида 2012 йил ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича ташкил этилган ишлар ўз самарсини берди. Натижада 2012 йилда хўжалик бўйича жами 27 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 34 центнердан пахта ҳосили етиштирилди. Фермер хўжалигида 1 центнер пахтани ишлаб чиқариш таннари 70981 сўмни ташкил этгани ҳолда 1 центнер пахтани давлатга сотиш баҳоси 89130 сўмга тенг бўлиб пахтачиликдаги рентабеллик 25,6 фоиз бўлди. Пахтачиликда рентабелликни бу кўрсаткичи оптимал даражадан анча пастдир. Шунинг учун фермер хўжалиги пахтачилигида рентабелликни камида 30-35 фоизгача кўтариш чора тadbирларини ишлаб чиқиш зарур. Шундагина фермер хўжалиги пахтачилигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун имконият яратилади.

5. Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш асосида эришилган иқтисодий самарадорлик.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш охир-оқибатда ўзининг натижасини иқтисодий самарадорликда топади. Фермер хўжалиги ўзининг иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтаргандагина хўжаликни барқарор ривожланиши ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни белгиланган суръатларда амалга ошириши учун зарур бўлган имкониятлар яратилади.

Иқтисодий самарадорлик мураккаб ва кўп қиррали иқтисодий категория бўлиб, уни аниқлашда бирқатор натурал ва қиймат кўрсаткичларида фойдаланилади. Улар ичида рентабеллик даражаси алоҳида ўрин тутади. Фермер хўжалиги барқарор ривожланиши учун у қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича оптимал рентабелликка эришиши керак. Оптимал рентабеллик хўжалик бўйича ўртача 35-40 фоизни ташкил этгани ҳолда у пахтачилик бўйича камида 30 фоизга, ғаллачилик бўйича эса 50-55 фоизга тенг бўлиши керак.

Иқтисодий самарадорликни аниқлашда синтетик қиймат Кўрсаткичлари алоҳида ўрин тутади. Улар ичида эса рентабеллик яқунловчи, асосий иқтисодий кўрсаткич бўлиб у бир сўмлик ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига олинган фойда билан ҳарактерланади.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда биз қиймат ва натурал кўрсаткичлардан кенг фойдаландик. Улар жумласига экин майдони, ҳосилдорлик, ялпи ҳосил, сарфланган ўғитлар миқдори ва шу каби бошқа натурал кўрсаткичлар ҳамда баҳо, таннарх, ишлаб чиқариш харажатлари, фойда, ялпи маҳсулот, рентабеллик каби қиймат кўрсаткичлари киради.

**Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг
иктисодий самарадорлиги**

5-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 й	2011 й	2012 й	2012 йилда 2010 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	51	51	51	100,0
	а) пахта	га	27	27	27	100,0
	б) бугдой	га	24	24	24	100,0
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	80888,4	81260,8	116068,0	143,5
	Шундан иш хаки	м.с	20618,5	19821,3	30014,8	145,6
3	Ходимлар сони	нафар	24	24	24	100,0
4	Ялпи махсулот	м.с	102663,4	103973,8	154910,5	150,9
5	Фойда	м.с	21775,0	22712,9	38842,4	178,4
6	1 га хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	2013,0	2038,7	3037,5	150,9
	б) фойда	м.с	426,9	445,4	761,6	178,4
7	1 ходим хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	4277,6	4332,2	6454,6	150,9
	б) иш хаки	м.с	859,1	825,9	1250,6	145,6
8	Рентабеллик	%	26,9	28,0	33,5	+6,6

Келтирилган хусусий кўрсаткичлар, маълумки умумий самара (натижа) ни алоҳида ишлаб чиқариш ресурслари харажат тури микдорига нисбатини аниқлайди. Лекин ишлаб чиқариш жараёнида умумий самара (натижа)нинг вужудга келишда алоҳида ресурс(харажат)лар катнашди. Демак, ҳар бир

ресурс (харажат) умумий самара (натижа)нинг вужудга келишида иштирок этади. Бу услубий жихатидан маълум даражада хатто булса ҳам, умумий самара ана шу ишлаб чиқариш ресурсининг биргаликдаги фаолияти натижасидир. Шунинг учун ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳар томонлама аниқ баҳолаш учун, алоҳида усулда ҳисобланадиган кўрсаткичларни, ҳар бир ишлаб чиқариш ресурсининг умумий самарани яратишдаги ролини ва уларнинг ишлаб чиқариш провард натижасига таъсирини ҳисобга оладиган кўрсаткичлар билан тулдириш лозим. Бунинг учун эластиклик детерминация коэффициентларидан шунингдек, иқтисодий-математик моделидан фойдаланиш керак бўлади.

Шу нуқтаи назар қараганимизда жаҳон молиявий иқтисодий инкирози шароитида фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликни нафакат оптимал даражага етказиш, балки, ундан ҳам юқори даражаларга кўтариш билан боғлиқ бўлган чора тadbирларни амалга ошириш талаб этилади. Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш ва тақсимлаш жараёнлари ҳамда уларнинг натижаларини тўлиқроқ таҳлил қилиш мақсадида биз Саховат фермер хўжалигининг охириги уч йил мобайнида етиштирилаётган экин турлари бўйича иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ўрганиб чиқдик.

5-жадвал маълумотларида Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигини иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари анча яхшиланган. Буни биз иқтисодий самарадорликни яқунловчи кўрсаткичи ҳисобланган рентабеллик даражасини 26.9 дан 33.5 фоизга ёки +6.6 даражага ортганидан яққол кўришимиз мумкин.

Юқоридаги келтирилган маълумотлар фермер хўжалигида аграр соҳада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириб борилаётганлигидан далолат беради. Натижада фермер хўжалигининг

умумий рентабеллиги оптимал даражага жуда яқин туради. Уни камида 35 фоизга кўтариш чораларини кўриш лозим.

**Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида пахта ишлаб
чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги**

6-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010	2011	2012	2012 йилда 2010 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	27	27	27	100,0
2	Хосилдорлик	ц/га	32	35	34	106,3
3	Ялпи хосил	ц	864,0	945,0	918,0	106,3
4	Ишлаб чиқариш хара- жатлари	м.с	41456,4	47132,8	65160,6	157,2
	Шундан иш хаки	м.с	12022,4	12961,5	19222,4	159,9
5	Ходимлар сони	нафар	19	19	19	100,0
6	Ялпи махсулот	м.с	50683,1	58181,8	81821,3	161,4
7	Фойда	м.с	9226,7	11048,9	16660,8	180,6
8	1ц пахтани таннархи	сум	47982	49876	70981	147,9
9	1ц пахтани сотиш бахоси	сум	58661	61568	89130	151,9
10	1 га хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	1877,2	2154,9	3030,4	161,4
	б) фойда	м.с	341,7	409,2	617,1	180,6
11	1 ходим хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	2667,5	3062,2	4306,4	161,4
	б) иш хаки	м.с	632,8	682,2	1011,7	159,9
12	Рентабеллик	%	22,3	23,4	25,6	+3,3

6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010-2012 йилларда хўжалик пахта экин майдони 27 гектарни ташкил этиб, пахтанинг Андижон-35 нави етиштирилган. Мавжуд экин майдонидан унумли фойдаланган ҳолда

йилдан-йилга ҳосилдорликни ошириб боришга эришган. 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 106.3 фоиз кўп ҳосил олишга эришган. Ҳосилни етиштириш учун сарфланган харажатларга (157,2%) нисбатан Ялпи маҳсулотнинг (161,4%) тезроқ ўсганлиги олинган фойданинг ҳам охириги 3 йилда 180,6% га етишига сабаб бўлган. Экин майдонлари ҳажмининг ўзгариб боргани сабаб, умумий баҳо берувчи ялпи ҳосил, ялпи маҳсулот, фойда каби кўрсаткичлар хўжалик фаолиятига ҳолис баҳо бера олмайди. Шу сабабдан хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда хусусий кўрсаткичларга мурожаат қиламиз. Охириги 3 йилда 1 гектар ер участкасидан 161.4 фоиз юқори ялпи маҳсулот етиштиришга эришилган бўлсада, унинг эвазига олинган фойда 180.6 фоизга ошган. Маҳсулот етиштиришда меҳнат ресурсларидан ҳам самарали фойдаланишга эришилган. Буни биз 1 ходим ҳисобига етиштирилган ялпи маҳсулотнинг 161,4 фоизга ошганлигида, уларни моддий рағбатлантиришга берилган эътиборни иш ҳақининг 159,9 фоизга ошганлигида кўришимиз мумкин. Бундан пахтачиликда фаолият юритаётган ишчилар етарлича моддий рағбатлантирилмаётган деб ҳулоса қилишимиз мумкин. Пахта бозорида эса монополиянинг мавжудлиги унинг жаҳон бозори нархларидан анча паст бўлишига олиб келмокда. Шунга қарамай маҳсулот етиштиришнинг якуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи 22.3 %дан 25.6 %га кўтарилган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози таъсири давом этаётган бир пайтда нафакат хўжалик , балки тармок олдида маҳсулот таннархини 20% га тушириш ҳамда рентабеллик даражасини оптимал, яъни 35-40 фоизга етказиш вазифаси турибди.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришни ошириш сарф-харажатларсиз амалга ошмайди. Буни биз қуйида келтирилган 7-жадвал маълумотларида гувоҳи бўлишимиз мумкин.

**Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида пахта етиштириш
харажатлари ва уларнинг таркиби.**

7-жадвал

№	Харажатлар тури	2010	%	2011	%	2012	%
1	Моддий харажатлар	23796,0	57,4	27572,7	58,5	37988,6	58,3
	а) уруглик	2114,3	5,1	2733,7	5,8	3844,5	5,9
	б) угитлар	9783,7	23,6	10887,7	23,1	15964,3	24,5
	в) Ё.М.М	7545,1	18,2	7682,6	16,3	11468,3	17,6
	г) иш ва хизматлар	1699,7	4,1	2733,7	5,8	3127,7	4,8
	д) бошка моддий харажатлар	2653,2	6,4	3535,0	7,5	3583,8	5,5
2	Меҳнат хаки харажатлари	12022,4	29	12961,5	27,5	19222,4	29,5
3	Ижтимоий ажратмалар	3399,4	8,2	4100,6	8,7	4496,1	6,9
4	Асосий воситалар ва но-моддий активларни эскириши	1285,1	3,1	1461,1	3,1	2345,8	3,6
5	Бошка харажатлар	953,5	2,3	1036,9	2,2	1107,7	1,7
	жами	41456,4	100	47132,8	100	65160,6	100

7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пахта етиштириш харажатларининг асосий кисмини моддий харажатлар ташкил этиб, улар охириги йилларда жами харажатларнинг 57.4-58.3 % ини ташкил этган. Жумладан моддий харажатларнинг асосий кисмини ЁММ, ўғитлар ҳамда иш ва хизматлар учун сарфланган харажатлар ташкил килган. Пахта етиштириш сермеҳнат жараён хисоблангани сабабли, харажатларнинг 29-29.5% ини

меҳнат ҳақи харажатлари ташкил қилган. Мавжуд техникаларига ажратилган амортизация харажатлари 3.1-3.6% ни ташкил қилган. Хўжаликда бажарилган иш ва хизматлар ҳамда сарфланган харажатлар самардорликни ошириш, таннархни пасайтиришга хизмат қилиши керак. Шунинг учун ҳар бир сумни оқилона, мақсадга мувофиқ сарфлашга ҳаракат қилиш, яъни материал, пул ҳамда меҳнат харажатларини тежашга, шу орқали етиштириладиган маҳсулотларнинг таннархларини пасайтиришга эришиш лозим. Бунга эришиш учун нафакат маҳсулот миқдорида балки сифатига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Пахта хом ашёсининг иқтисодий самарадорлиги уни сотиш баҳоларининг ташкил топиш даражасига бевосита боғлиқ. Бу маҳсулотнинг давлат иқтисодиётидаги аҳамиятини ҳисобга олиб, уни кўтара харид баҳоларида сотилади. Уни белгилашда биологик навларнинг тола типлари ва саноат ассортименти асос қилиб олинади. Унинг даражасига жаҳон бозорида ташкил топадиган ўрта баҳолар ҳам таъсир этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш хўжаликларнинг даромадининг кўпайишга ва рентабелликнинг ошишига олиб келади. Қанча кўп сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқарилса ва сотилса, ишлаб чиқарувчиларнинг даромад кўпаяди, кўпроқ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, меҳнат ҳақини оширишга ва маданий-маиший шароитларга маблағ ажратилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини яхшилаш фақат аҳолининг озиқ-овқатга бўлган истеъмолни тўлиқ қондирибгина қолмай, балки у қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим омилidir. Шунинг учун маҳсулот сифатини ошириш – бу пировард натижада унинг миқдори, ресурсларни тежаш, ижтимоий истеъмолни тўлароқ қондиришдир.

Аграр соҳада амалга оширилаётган нарх ислоҳоти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилашда эркин бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этишга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 августдаги «Пахта нарhini шакллантириш механизми тўғрисида»ги ПФ-3114-сонли фармониға асосан, давлат томонидан сотиб олинаётган пахта хомашёсининг нарhini жаҳон бозоридаги нархлар даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарорига мувофиқ, 2009 йилда давлат бюджети параметрларида экспортга сотиладиган пахта толаси бўйича 20 фоизлик қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўлашдан пахта тозалаш корхоналари озод этилди, натижада шу миқдорда фермерларга пахта учун тўланадиган харид нархлари оширилди. Шу орқали давлатимиз томонидан пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини ва тайёрлов корхоналарини рағбатлантириш кўзда тутилган бўлиб, пахта толасининг ички нархларини жаҳон бозоридаги нархларга тенглаштириш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда жаҳон бозорида пахта толаси нархларининг бирмунча юқори эканини инобатга олган ҳолда, нарх бўйича юзага келган ижобий фарқнинг 25 фоизини фермер хўжаликлариға тўлаб бериш бўйича тегишли тадбирлар амалға оширилмоқда. Жумладан, 2011 йил давомида фермер хўжаликлариға йўналтирилган ижобий фарқ суммаси 403 315 миллион сўмни ташкил этди. Бу ҳолат жаҳон бозорида қулай конъюнктура вужудға келган йилларда фермер хўжаликларининг барқарор даромад олиши учун янги имкониятлар очади.

Давлат томонидан сотиб олинаётган ғалла нархларини эса минтақавий бозорлардаги нархлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди. Бошқа қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларининг нархлари бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, шартнома асосида белгиланмоқда.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳосилдорлиғи паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратиш амалиётда қўлланмоқда. Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги “Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-725-сонли Қарорида фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга самарали ва амалий давлат мададини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар ажратиш, Молия вазирлигига ҳар йили Давлат бюджетиди лойиҳасини шакллантиришда мазкур мақсадларга ер солиғи бўйича тушумлар ҳисобидан маблағлар ажратиш вазифаси юклатилди.

Мазкур қарорга мувофиқ, балл бонитети паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиштириш билан шуғулланаётган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар қиймати 2008 йилдаги 60 миллиард сўмдан 2012 йилда 160 миллиард сўмга ошди. Ушбу маблағлар фермерларнинг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги қарзларини қисқартиришда салмоқли манба бўлмоқда.

8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Саховат фермер хўжалиги 2012 йилда етиштирилган пахта ҳосилининг асосий 86,2 фоизини 1-саноат навининг 1-синфига топширилгани хўжаликнинг асосий пахта ҳосилини юқори навларга сотганидан далолат беради. Бу эса ўз навбатида хўжаликда етиштирилган пахта ҳосилининг анча юқори бўлган нархларда сотиб, даромаднинг кўпайишига замин яратган. Шунинг учун хўжаликда маҳсулот етиштириш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири сифатида етиштирилаётган маҳсулот сифатини оширишга эътибор қаратиши лозим. Бунга албатта ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Замон билан ҳамнафас фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этган ҳолда хўжалик аъзолари бир ёқадан бош чиқариб пахта майдонларида ўтказилиши зарур бўлган агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли амалга ошириб,

**Хўжабод туманидаги Саховат фермер хўжалигида сотилган жами
пахтасини навлар буйича таксимланиши**

8-жадвал

Саноат нави	Синф лари	2010й		2011 й		2012й	
		Микдори		Микдори		Микдори	
		центнер,	%	центнер,	%	центнер,	%
1	1	630,7	73	783,4	82,9	791,3	86,2
	2						
	3						
	Жами	630,7	73	783,4	82,9	791,3	86,2
2	1	114,9	13,3	98,3	10,4	126,7	13,8
	2	43,2	5	48,2	5,1		
	3						
	Жами	158,1	18,3	146,5	15,5	126,7	13,8
3	1	35,4	4,1	15,1	1,6		
	2						
	3						
	Жами	35,4	4,1	15,1	1,6		
4	1						
	2						
	3						
	Жами						
5	1	39,7	4,6				
	Жами	39,7	4,6				
	Хаммаси	864,0	100	945,0	100	918,0	100

ҳосилни эртароқ нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга эришилса кўзда тутилган юқори сифат ва иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

Саховат фермер хўжалигини Хўжаобод тумани фермер хўжаликлари билан пахта етиштиришнинг солиштирама иқтисодий кўрсаткичлари (2012 йил)

9-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Хўжаобод тумани	Саховат фермер хўжалиги	%
1	Экин майдони	га.	2762	27	X
2	Хосилдорлик	ц\га	33,6	34	101,2
3	Ялпи хосил	ц	92803,2	918	X
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	6041488,3	65160,6	X
5	1ц пахтани таннархи	сум	65100	70981	109,0
6	1ц пахтани сотиш баҳоси	сум	77500	89130	115,0
7	Ялпи маҳсулот	м.с	7192248,0	81821,3	X
8	Фойда	м.с	1150759,7	16660,8	X
9	1 га хисобига:				
10	а) ялпи маҳсулот	м.с	2604,0	3030,4	116,4
11	б) фойда	м.с	416,6	617,066	148,1
12	Рентабеллик	%	19,0	25,6	+6,6

9-жадвалда хўжаликнинг пахта етиштиришдаги фаолиятига қиёсий баҳо бериш мақсадида тумандаги деҳқончиликка ихтисослашган 2762 та фермер хўжаликлари билан таққослама маълумотларни таҳлил қилиб чиқамиз.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, тумандаги фермер хўжаликлари бўйича ўртача ҳосилдорликка нисбатан Саховат фермер хўжалиги ҳосилдорлиги 101.2 фоиз кўп бўлган. Лекин хўжалик пахта сифатини ошириш билан бирга 1 центнер маҳсулот таннархи ҳам туман ўртача кўрсаткичларга караганда баланд бўлган. Яъни 1 центнер пахта таннархи туман ўртача кўрсаткичига нисбатан 109 % га, Шу билан бирга маҳсулот сифатини ҳам ошириш хўжалик самарадорлигини оширади. Айнан ҳозирги ҳолатда ҳам шу нарсанинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Хўжалик туман ўртача сотиш баҳосига нисбатан 115 фоиз юқори нархларда сотишга эришган. Бунинг натижасида ҳар гектар пахта майдонидан 148.1 % юқори фойда олишга эришган. Сотиш баҳосининг эса туман кўрсаткичига нисбатан юқори булганлиги хўжаликнинг тумандаги фермер хўжаликларига нисбатан +6,6 % юқори рентабеллик даражасига эришишига олиб келган. Бу кўрсаткичлар хўжаликнинг пахтачилик соҳасида тумандаги фермер хўжаликларига нисбатан юқори тажрибага эга эканлигидан, замон талабларига мос ишлаб чиқариш ҳамда бошқарувни йўлга қўя олганлигидан далолат беради.

Маълумки, аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар тармоқда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш йўли билан қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини оптималлаштириш асосида пахта экин майдонларини қисқартириш ҳисобига бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экин майдонларини кенгайтириш орқали мамлакатни озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистонда мустақил ривожланиш йилларида ғаллачиликни тезроқ ривожлантириш комплекс чора-тадбирлари амалга оширилди.

Жумладан, Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида ҳам асосий экин майдони буғдой етиштиришга мўлжалланган. Бу соҳада олиб борилаётган ишларни куйидаги 10-жадвал маълумотлари орқали таҳлил қилишимиз мумкин. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Саховат фермер хўжалиги охириги 3 йилда нафақат пахта етиштиришда,

**Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида бугдой ишлаб
чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги**

10-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010	2011	2012	2012 йилда 2010 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	24	24	24	100,0
2	Хосилдорлик	ц/га	62	60	65	104,8
3	Ялпи хосил	ц	1488,0	1440,0	1560	104,8
4	Ишлаб чиқариш хара-жатлари	м.с	39432,0	34128,0	50907,5	129,1
	Шундан иш хаки	м.с	8596,2	6859,73	10792,4	125,5
5	Ходимлар сони	нафар	5	5	5	100,0
6	Ялпи махсулот	м.с	51980,3	45792,0	73089,1	140,6
7	Фойда	м.с	12548,3	11664,0	22181,6	176,8
8	1ц бугдойни таннари	сум	26500	23700	32633	123,1
9	1ц бугдойни сотиш бахоси	сум	34933	31800	46852	134,1
10	1 га хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	2165,8	1908,0	3045,4	140,6
	б) фойда	м.с	522,9	486,0	924,2	176,8
11	1 ходим хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	10396,1	9158,4	14617,8	140,6
	б) иш хаки	м.с	1719,2	1371,9	2158,5	125,5
12	Рентабеллик	%	31,8	34,2	43,6	+11,8

балки ғаллачиликда ҳам бир қатор ютуқларга эришган. Хўжалик ўзига бириктирилган ер участкасининг 47,2 фоизини яъни 24 гектар ер майдонида кузги бугдойнинг етиштирган. 104.8 фоизга юкори хосилдорликка эришиш натижасида 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 104.8 фоиз мўл хосил олишга

эришилган. Нарх-навонинг муттасил ошиб бориши шароитида хўжаликда олинган ялпи маҳсулот қиймати охирги 3 йилда 140,6 фоизга ошган. 1центнер хосилнинг таннархига(123,1%) нисбатан сотиш бахосининг(134,1%) тезроқ ўсиши сабабли 2012 йилда ғалла етиштиришдан олинган фойда 2010 йилга нисбатан 176,8 фоизга ортган. Лекин бу хўжалик фаолиятига холис баҳо беришга имкон бермайди. Бунинг учун биз 1 гектар хисобига ҳамда 1 ходим хисобига олинган кўрсаткичларни таҳлил қилиб чиқамиз. 1 гектар хисобига етиштирилган ялпи маҳсулот ва фойда кўрсаткичлари мос ҳолда 140.6 ҳамда 176.8 фоизга ошган. 1 ходим томонидан етиштирилган ялпи маҳсулот эса 140,6 фоизга ошган. Бу натижага эришишда ўз билим ва тажрибалари билан қатнашган ходимларга берилаётган эътиборни 1 ишчига тўғри келган иш ҳақи миқдори 21.8 % дан 21.2 % га камайган.

Биз фаолиятини ўрганаётган Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида йилма-йил маҳсулот миқдорининг ўсиб бориш ҳолатини кузатишимиз мумкин. Шу сабабдан хўжаликда етиштирилган бугдой хосили учун сарфланган харажатлар таркибини таҳлил қилиб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

11-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ғалла етиштириш учун сарфланган харажатлар охирги 3 йил мобайнида ҳам нарх- навонинг кўтарилиши натижасида ҳам экин майдонларининг кенгайиши хисобига муттасил ортиб борган. Бугдой етиштириш учун сарфланган харажатлар таркибида салмокли улушни моддий харажатлар ташкил қилиб, охирги 3 йилда 65.1-65.8 фоизни ташкил этган. Моддий харажатларнинг асосий қисмини ўғитлар ҳамда уруглик учун кетган сарф-харажатлар ташкил этган. Иш ҳақи учун ажратилган харажатлар йилдан-йилга камайиб бориб, ўртача 21.8-21.2 фоизни ташкил қилган. Сарф харажатлар таркибини тўғри тақсимлаш хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи омил бўла олади. Олдин таъкидлаб ўтилганидек

**Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида бугдой етиштириш
харажатлари ва уларнинг таркиби.**

11-жадвал

Харажатлар тури	2010	%	2011	%	2012	%
1.Моддий харажатлар	25670,2	65,1	22456,2	65,8	33497,1	65,8
а) уруглик	4574,1	11,6	4095,4	12	6108,9	12
б) угитлар	7018,9	17,8	5938,3	17,4	9519,7	18,7
в) Ё.М.М	4653,0	11,8	4163,6	12,2	5905,3	11,6
г) иш ва хизматлар	7334,4	18,6	6279,6	18,4	9214,3	18,1
д) бошка моддий харажатлар	2089,9	5,3	1979,4	5,8	2749,0	5,4
2.Мехнат хаки харажатлари	8596,2	21,8	6859,7	20,1	10792,4	21,2
3.Ижтимоий ажратмалар	2089,9	5,3	1706,4	5	2647,2	5,2
4.Асосий воситалар ва номоддий активларни эски-риши	1537,8	3,9	1433,4	4,2	2036,3	4
5.Бошка харажатлар	1537,8	3,9	1672,3	4,9	1934,5	3,8
жами	39432	100	34128	100	50907,5	100

фермер хўжаликларининг ер майдонларини оптималлаштириш хўжаликнинг янги замонавий техника воситалари билан таъминланиши учун қулайлик яратади. Бу эса ўз навбатида қўл меҳнатининг камайиб, механизациялашган иш хажмининг ошишига олиб келади. Механизациялашган иш хажмининг

ортиши асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириши номли харажат моддасининг салмоғи кўпайишини тақазо этади.

Солиққа тортиш ва солиқ тўлаш механизмини соддалаштириш мақсадида мамлакатимиз Президентининг Фармони билан фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган тўққизта солиқ тури ўрнига 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ягона ер солиғи жорий қилинган бўлиб, у ҳар томонлама қулайликка эга. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қишлоқ хўжалиги соҳасида бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари қўлланади:

- янгидан ташкил этилган, пахта, ғалла, сабзавот, полиз, картошка ва бошқа маҳсулотлар етиштирадиган фермер хўжаликлари 2 йил муддатга, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилди;

- фермер ўз ҳисобидан ўзлаштирган ер учун беш йил давомида ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги 304-сонли қарорига асосан, хорижий техникалари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловлари ҳамда чет эл техникалар учун эҳтиёт қисмлар олиб келишда қўшилган қиймат солиғидан озод этилган;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 мартдаги 308-сонли қарорига мувофиқ, чет эллардан чорва моллари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи тўловларидан озод этилган.

Фермер хўжаликлари техника воситаларини имтиёзли шартлар бўйича лизинг асосида харид қилиши учун техника бошланғич нархининг 15 фоизини тўлаб, қолган 85 фоизини 10 йил муддат ичида тўлаш имкониятига эга бўлди. Бунда лизингдан фойдалангани учун йиллик фоиз тўловлари Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмайдиган қилиб белгиланди.

6. Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш масалалари.

Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалиги маълумотларини ўрганиш ва уни иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил этиш асосида биз хўжаликда бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича бир қатор фикр-мулоҳазаларни ва ишлаб чиқаришга бевосита оид бўлган тавсияларни ишлаб чиқдик. Айниқса фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича ишлаб чиқаришга бевосита тааллуқли бўлган хулосаларни тайёрлашда фермер хўжалигининг бошлиғи билан суҳбат жараёнида аниқланган фикр-мулоҳазалардан кенг фойдаландик.

Фермер хўжалигини жами ер майдони 51 гектарни ташкил этиб у яхлит 6 та суғориш карталаридан иборат. Ер участкаларининг тупроқ унумдорлиги 67,0 балга тенг бўлиб, у 4-кадастр гуруҳини 7-синфларига тааллуқлидир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, фермер хўжалигига 49 йил муддатга ижарга берилган ер участкаларининг тупроқ унумдорлиги нисбатан яхши бўлиб, унда пахта ва ғалла экинларидан етарлича даражада юқори ҳосил олиш учун тупроқ унумдорлигини кескин ошириш чора-тадбирларини кўриш керак. Шундагина фермер хўжалиги бирламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини кескин ошириб самарадорлигини талаб даражасига кўтариш мумкин.

Истиқболда Саховат фермер хўжалиги жамоаси ишлаб чиқаришни диверсификациялаш талабларига мос ҳолда қўшимча тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантиришга эътиборни кучайтиришни режалаштирмоқда. Жумладан хўжаликда камида 10-15 гектарлик мевали боғни, боғни кичик бизнес таркибига кирувчи ишлаб чиқариш корхоналарини ва ижтимоий инфратузилмага тааллуқли бўлган бир қатор хизмат кўрсатиш пунктларини ташкил этиш режалаштирмоқда.

Юқоридаги чора-тадбирлар амалга оширилса фермер хўжалигига шартнома асосида камида 40-50 нафар қўшимча иш кучи жалб этилади ва

фермер хўжалигида иш кучидан йил давомида мунтазам ва самарали фойдаланиш имконияти яратилади.

Саховат фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш асосида пахта ва дон етиштиришнинг рентабеллигини оптимал даражага кўтариш талаб қилинади. Бу фермер хўжалигида маҳсулот таннархини пасайтириш ва сифатини яхшилаш асосида уни рақобатбардошлигини таъминлаш асосида амалга оширилади. Шундагина фермер хўжалиги ишлаб чиқариш харажатларига қараганда ялпи маҳсулот ҳажмини устун даражада ўстириш ва фойда массасини кескин кўпайтириш имкониятларига эга бўлади.

Саховат фермер хўжалигида 24 нафар ходимлар мавжуд бўлиб, улардан 19 нафари пахтачиликда, қолган 5 нафари эса ғаллачиликда фаолият кўрсатмоқда.

Саховат фермер хўжалигининг жами ходимлари сони 24 нафарини ташкил этиб, уларни 2 нафари олий маълумотга, 8 нафари ўрта-махсус муълумотга ва қолган 14 нафари эса умумий ўрта маълумотига эгадир.

Ходимларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги бўйича маълум даражада амалий кўникмаларга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш тажрибаларига эгадирлар. Уларнинг бир қисми кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган уста деҳқонлар бўлиб ҳисобланади.

Фермер хўжалиги жамоасининг 3 нафари фермер хўжалиги бошлиғининг яқин қариндош-уруғлари бўлиб ҳисобланади. Фермер хўжалигининг барча ходимлари ҳозирги кунда йиллик меҳнат шартномаси асосида фаолият кўрсатмоқда. Олдин фермер хўжалигининг ходимлари 2-3 йиллик меҳнат шартномалари асосида ёлланиб ишлар эдилар.

Юқоридаги маълумотлар фермер хўжалиги меҳнат жамоасини таркиби ҳали талаб даражасидан анча паст эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам фермер хўжалигида олий ва ўрта махсус маълумотли ходимлар улушини кескин ошириш чора-тадбирларини кўриш лозим.

Истиқболда фермер хўжалигини модернизциялаш жараёни амалга оширилишини ҳисобга олинса уни техника ва технологиялар билан қуролланиш даражаси кескин кўтарилиб иш кучига бўлган талаб мос ҳолда камаяди. Шунинг учун ҳам фермер хўжалигида истиқболда махсус тайёргарликка эга бўлган мутахассис кадрлар ҳамда тажриба ва кўникмага эга бўлган ходимларгина қолишини ҳисобга олиш лозим. Бу соҳадаги ишларни самарали ташкил этиш учун фермер хўжалиги ўзининг махсус дастурни тузиб барча чора-тадбирларни уни асосида амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади.

Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш мақсадида унда фаолият кўрсатаётган мутахассис кадрларнинг билим даражасини, тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилиятларини ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида мустақил фикрлай олишларини кескин яхшилаш зарур. Шу мақсадда фермер хўжалиги ходимларининг касбий тайёргарлигини ошириш ва уларда бозор муносабатлари бўйича кўникмани ҳосил қилишга эътиборни қаратиш лозим. Чет эл тажрибалари шунини кўрсатадики фермер хўжалигини ходимлари одатда камида 10-12 та кўшимча касбларга эга бўладилар.

Фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ўстиришга имкон яратувчи қуйидаги омиллар эътиборга олинди:

- фермер хўжаликлари ихтиёрида бўлган ер майдонларидан яхлит контурларда, ягона тартибда мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлигини эътиборга олиш;

- сув ва бошқа моддий ресурсларни тежайдиган янги агротехнологияларни қўллашга қулай шароит яратиш;

- йириклаштирилган фермер хўжаликларининг комплекс механизациялашув борасидаги молиявий имкониятларини кенгайтириш;

- зарар билан ишлаётган ва ўзини оқламаётган кичик фермер хўжаликларининг фаолиятига барҳам бериш.

Республикада қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқдир. Бу борада айниқса қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Ислохотлар давомида фермер хўжаликларини молия-кредит ва солиқ механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;

- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар жорий этилди;

- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартлар бўйича лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;

Солиққа тортиш ва солиқ тўлаш механизмини соддалаштириш мақсадида мамлакатимиз Президентининг Фармони билан фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган тўққизта солиқ тури ўрнига 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ягона ер солиғи жорий қилинган бўлиб, у ҳар томонлама қулайликка эга. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қишлоқ хўжалиги соҳасида бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари қўлланади:

- қиймат солиғи ва божхона тўловлари ҳамда чет эл техникалар учун эҳтиёт қисмлар олиб келишда қўшилган қиймат солиғидан озод этилган;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 мартдаги 308-сонли қарорига мувофиқ, чет эллардан чорва моллари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи тўловларидан озод этилган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Биз Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш асосида иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича тўпланган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил этиш асосида қуйидаги фикр-мулоҳазаларга келдик.

Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш мақсадида унинг меҳнат жамоаси таркибини тубдан яхшилаш чораларини кўриш лозим. Бунда асосий эътиборни ходимларнинг маълумотига, касбий тайёргарлигига, ишлаб чиқариш тажрибасига ва кўникмасига қаратиш лозим.

Фермер хўжалигини бошлиғи тажрибали раҳбар сифатида ўз касбини малакали ва тажрибали мутухассиси бўлиб хисобланади. У фермер хўжалигида пахта ва ғалла етиштириш жараёнида янги технологиялардан самарали фойдаланишга, ҳамда даромад келтирмайдиган ҳаражатлардан фойдаланишни қисқартиришни ва олинадиган фойдани хажмини кўпайтиришга мунтазам ҳаракат қилади. Хўжаликда иш жараёнининг механизациялашганлик даражасининг пастлиги хўжалик аъзоларидан ортиқча малака ва маълумот талаб қилмайди.

Хўжаликнинг ер майдони (51 гектар) вилоятдаги пахта-ғаллага ихтисослашган фермер хўжаликлари ўртача ер майдонидан анча кам.

Экин майдонининг кичиклиги, хўжаликка яқин жойлашган аҳоли орасида арзон иш кучи топиш имкониятининг катталиги иш жараёнини механизациялаштириш жараёнига катта қизиқиш туғдирмайди.

Фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш асосида уларнинг меҳнатлари унумдорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

- Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришнинг такомиллаштириш ва иқтисодий самарадоликни оширишнинг асосий йўналишлари бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш

мақсадида ўзини бу соҳадаги махсус дастурини тузиб барча ишларни уни асосида ташкил этиш яхши самара беради.

- Фермер хўжалиги тўғрисидаги Қонун ва ерни ижарага олиш шартномаси шартларидан четга чиқмаган ҳолда қўшимча фаолият турини ишга тушириш ва қўшимча иш жойларини ташкил этиш;

- Хўжаликнинг моддий-техника таъминотини юксалтириш ва янги техникаларни, самарали технологияларни изчиллик билан ишлаб чиқаришга татбиқ этиш чора –дастурларини ишлаб чиқиш;

- Хўжалик аъзоларининг ишлаш ва яшаши учун барча шароитларни яратиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг самарали шакллари ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этиш;

- Хўжаликда ходимларни касбий тайёргарликларини ва маълумотини оширишга этиборни кучайтириш лозим. Ундан ташқари хўжаликда банд бўлган ходимларнинг, айниқса ходимларнинг бир-бирига яқин бўлган камида 4-6 та касбий тайёргарликни эгаллашларини таъминлаш талаб қилинади.

- Хўжалик аъзоларининг нафақат техник-технологик соҳалардаги балки иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ва амалий кўникмаларини мустахкамлашга ҳам эришиш лозим. Бу соҳада жойларда мақсадли ўқиш ва семинарларни мунтазам ва самарали ташкил этилишини йўлга қўйиш

- Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида меҳнат жамоасининг нафақат техник-технологик соҳадаги тайёргарлигини балки уларни иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ҳам ошириб боришга аҳамият бериш лозим. Бу бошқариш жараёнида иқтисодий усуллардан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

- Хўжаобод туманидаги Саховат бу фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнини амалга ошириш мақсадида хўжаликни моддий-техника базасини мустахкамлаш ва техник-ходимлар малакасини ошириш чораларини кўриш зарур. Бу фермер хўжалигида ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сотиб олиш билан шуғулланувчи барча ташкилотларининг, фермер хўжалигининг фаолиятини ривожлантириш, уларнинг бўлимларини ишлаб чиқаришга яқинлаштириш керак. Шундагина ортиқча харажатларга, нобудгарчиликка йўл қўйилмайди. Қишлоқ хўжалик корхоналари тез айнийдиган маҳсулотларни узоқ масофадаги заводларга ташиб, вақтдан ютказмайди, ортиқча харажатлар қилмайди ва маҳсулот сифати ёмонлашмайди, маҳсулотларнинг кўпроқ, тезроқ, арзонроқ сотилиши таъминланади.

Бундан ташқари фермер хўжалигининг ўзлари ҳам етиштирган маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи уюшмалар ташкил этишлари мумкин. Уюшмага кирувчилар учун эркин, қулай шароитлар яратилиши лозим. Бундай уюшмалар маҳсулотларни сотишда эркин рақобатли бозор вужудга келишида муҳим ўрин тутади.

Юқорида келтирилган таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинса, Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш асосида иқтисодий самарадорликни янада оширишга ҳамда хўжаликни янада ривожланиши учун замин яратилган бўлади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон-1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонуни. Т. Ўзбекистон-1998 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. Т. 1999 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуни. (2004 йил 26 августдаги янги нашри) Т. 2004 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ–3226 сонли Фармони “Қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”. Халқ сўзи 2003 йил 25 март.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида» ги фармони. Халқ сузи 2003 йил 28 октябр.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 14 июндаги йилдаги ПФ 3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш фармони. Халқ сўзи 2005 15 июн.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 декабрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ФП-4058 сонли Фармойиши. Халқ сўзи 2008 йил 29 декабр
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси Халқ сўзи 29.01.2013й.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012

- йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг мухим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» Халқ сўзи 29.01.2010.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4296-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 2011 йил 5 май.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 12 майдаги Қарори. // Халқ сўзи, 2011 йил 13 май.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
16. И.А.Каримов. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби». Халқ сўзи 13.02.2009 йил.
17. И.А.Каримов. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқоролик жамиятини барпо этиш-устивор йўналишдир». Халқ сўзи 28.01.2010 й.

18. И.А.Каримов. «Асосий вазифамиз–Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир». Халқ сўзи 30.01.2010 й.
19. И.А.Каримов. «Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепсияси». Халқ сўзи 13.11.2010 й.
- 20.И.А.Каримов. «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» мавзусидаги маърузаси. Халқ сўзи. 22.01.2011 йил.
21. И.А.Каримов. «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» Халқ сўзи. 20.01.2012 й
- 22.И.А.Каримов «Иқтисодий ислохат маъсулиятли босқич» Т.Ўзбекистон 2003 йил
- 23.И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент 1995 йил.
- 24.И.А.Каримов «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод сиёсат-мафкура» Т.Ўзбекистон 1996 йил
- 25.И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Тошкент. Ўзбекистон.Тошкент - 2000
- 26.И.А.Каримов. «Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида». Т.Ўзбекистон-2005 йил
- 27.И.А.Каримов. «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар» Т.Ўзбекистон 1996 йил.
- 28.И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» Т.Ўзбекистон 1999 йил
- 29.Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Тошкент «Ўзбекистон» 2009 йил.
- 30.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009.

- 31.Олимжонов О., Фармонов Т ва бошқалар. «Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари». Т., Университет 2005 йил.
- 32.А.Абдуллаев ва бошқалар. «Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари». Республика илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами. АҚХИ. Андижон 2007 йил
- 33.А.Абдуллаев, Х.Камолов ва бошқалар. Жаҳон инқирози шариотида фермер хўжалигини жадал ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишда ресурсларни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш ва экологик муаммолар ечими. Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. Андижон-2010 йил.
34. Ж.Хайдаров. Фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш тизимини такомиллаштириш. Агроилм журнаи. 2010 й. 3-сон
35. Н.С.Хушматов ва бошқалар. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни бизнес бошқариш ва фаолият юритишнинг иқтисодий асослари. Тошкент-2010 й.
- 36.М.Н.Махмудов, З.А.Жумаев, С.А.Сатторов. И.А.Каримовнинг 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.Тошкент–2012 йил
37. Ғ.Дўстмуродов. Аграр соҳада тадбиркорлик самарадорлигини ошириш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнаи. №6 12 йил.
38. З.Хафизова ва бошқалар. Суғориладиган ерларда унумли фойдаланиш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнаи. №6 12 йил.
- 39.Қ. Бўстонов. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва инновацион ривожланишнинг маҳсулот рақобатбардошлигига таъсири. Агроилм. 1(21) сон, 2012 йил.
- 40.Х.Х.Комолов «Фермер хўжаликларини техника воситалари билан таъминлаш самарадорлигини ошириш йўллари» иқтисод фанлари

- номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 йил.
- 41.Э.Сариков, М.Маматов. Бошқарув қарорларини қабул қилиш. Аграр ислохатларни янада чуқурлаштириш муоммолари ва ечимлари. Тошкент-2002 й. «Меҳнат» нашрети.
- 42.Файзиев А. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришти ташкил этиш». Самарқанд. 2004 йил.
- 43.Хошимов З.Ю. «Фермер хўжаликларининг муаммолари ва ривожлантириш истиқболлари. Т. 2004 йил.
- 44.Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш: Ўқув қўлланма. – Т.: “Адабиёт жамғармаси”, 2009 й
- 45.Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари./ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон.
- 46.Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда фермер хўжаликлари уюшмасини 2010-2012 йиллардаги йиллик ҳисоботлари ҳамда бошқа маълумотлари.
- 47.Хўжаобод туманидаги Саховат фермер хўжалигининг Низоми, 2010-2012 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва бошқа меъёрий хужжатлари.